

ВАЗИРЛИК НЕГА ЯНА
ШТАТЛАРНИ
ҚИСКАРТТИРМОҚЧИ?..

2



КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАР ЭНГ
КЎП-ҚАЙД ЭТИЛАЁТГАН
ВАЗИРЛИКЛАР МАЪЛУМ
ҚИЛИНДИ

6



ТУРИЛГАНЛИК
ТУВОХНОМАСИНИ
ОЛИШ БЕПУЛ

7



ТАРИХГА МУХРЛАНГАН
“ТАБАССУМ”

8



№ 16
2021-yil, 21-aprel
Chorshanba (32.658)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

МАҚСАД – ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи:

“Бугунги давр, шиддаткор замон жонажон Ватанимиз тараққиёти, бунёдкор ва тантани халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Ва бу ҳар биримиздан, айниқса, ижро ҳокимияти органлари раҳбарларидан юксак масъулият, фидойилик талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан бугун Самарқанд вилоятида ҳам кўп ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини кўраяпмиз. Кўпга янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Лекин энг асосийси, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгариши керак. Қачонки халқимизнинг дунёқараши ўзгариб, бугунги ислохотларга ишончи ва хайрихоҳлиги ошса, давлатдан, раҳбарлардан рози бўлса, фаолиятимизга берилган баҳо, олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз натижаси шу бўлади”.

● 2021-2022 йилларда Самарқанд вилоятида sanoat, xizmat kursatish va qishloq xujaligi soxalarida qiyamati 30 trillion 415 milliard sūmlik 1 ming 279 ta investitsiya loiyhasini amalga oshirish rejalashtirilgan. 12 trillion sūmlik 1 ming 184 ta hududiy, 18 trillion sūmdan ziyod 95 ta tarqoq loiyxalari amalga oshiriladi. 1,8 milliard dollar tūgʻridan-tūgʻri xorijiy investitsiyalar űzlashtiriladi va 26 mingta doimiy ish űrni tashkil etiladi.

● Bütün islom olamida yuksak obr ű va maqomga ega bűlgan buyuk olim va hadisshunos bobomiz Imom Buxoriy majmʱuasini qaytadan qurish ishlari boshlandi. Bu erda 10 ming űrinli masjid, 21 gektar maydonda ulugʻ ajdodlarimizning diniiy merosi va moddiy madaniy meros obyektlarini aks ettiruvchi tematik xiyobon, 3 ta mehxmonxona va 24 ta oilaviy mehxmon űylaridan iborat ziyerat turizmi majmuasi barpo etiladi.

● Samarqand xalqaro aeroportida modernizatsiya ishlari davom etmoqda. Loyiha doirasida yangi terminal, űchish-kűni űlragi, turarogʻ va boshqa obyektlar barpo etilishi belgilangan. Bugungi kunda uzunligi 3105 va eni 60 metr bűlgan, xalqaro aviatsiya standartlari asosida űchish-kűni űlragi qurilishi tugallanib, eʼritish-signal chiroqlari va azeronavigatsiya uskunalari űrnatilmoqda. Ilgari bir soatda 400 naфар űylovchiga xizmat kursatilgan bűlsa, zamonalii dizaynga ega bűlgan yangi terminal bir soatda 800 naфар űylovchiga xizmat kursatish qiyvatiga ega bűladi.

● Turizm infratuzilmisini rivojlantirish doirasida, Samarqand tumaniidagi eshak űchish kanali bűyida 212 gektar maydonida barqa



talablariga ega Samarqand turizm markazi barpo etiladi. Unda xalqaro kongress markazi, “Abadiy shaḥar” karbonsaroy majmuasi, 8 ta mehxmonxona, tematik xiyobonlar, dam olish va kűngilochar obyektlar, xunarmandchilik markazi, sunʱiy suv havzalari quriladi. Mehxmonxonalarning ijkitasi 22 qavatli, besh űyduzli, qolganlari tűrt űyduzli bűladi. Urgut, Nurobod va Jombűy tumanlarida ham turizm klasterlari tashkil etiladi.

● “Urgut” erkin iktisodii zonasiida qiyamati 402 million dollarlikdan ziyod 84 ta investitsiya loiyhasi amalga oshirilmoqda. 313 million dollarlik 55 ta loiyha bűyicha ishlab chikarish boshlangan, ularda 4 ming 328 ta kishi meḥnat qilmoqda. Ushbu korxonalar tomonidan 220 turdagi mahsulotlar ishlab chikarilmoqda. 2020 yilda 1,2 trillion sūmlik mahsulot tayirlanib, 30 million dollarlik eksport qilingan.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Ўрол Ўразбоев,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси.



Жорий йилнинг 1 июнига қадар ҳудудларда 77 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ишга туширилади. Республика бўйича 21 та туманда 2 миндан 4,5 минг нафаргача ёшларга деҳқончилик учун ер ажратилади. Ижарада яшайтган 130 миндан зиёд олийгоҳ талабаларига 1 майдан бошлаб ижара пулининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади.

Бу шунчаки рақамлар эмас, уларнинг ортида қанчадан-қанча ёшларимизнинг тақдири турганини ҳис этишимиз керак. Ёшларнинг илм олиши, касб-хунар эгаллаши, бандлиги таъминланиши учун нима қилиб бера оламиз, деб ўзимизга савол беришимиз ва фаолиятимизни шу асосда йўлга қўйишимиз лозим.

Биз, депутатлар, авваламбор, чекка, олис қишлоқ ҳудудларига бориб, ёшлар билан учрашиб, дардларини эшитиб, иш юритсак, шундагина, улар давлат томонидан яратилган имтиёزلардан баҳраманд бўлади. Ёнг асосийси, бунёдкор, ташаббускор ва тадбиркор, илмга чанқоқ ёшлар сони кўпаяди. Бундай ёшлар эса ҳар қандай халқ ва давлатнинг бебаҳо бойлигидир.



Дилбархон
Мамаджанова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси.

Бугунги пандемия шароитида ҳар бир маҳалла ва хонадонни сифатли тиббий хизматлар билан қамраб олиш учун малакали ўрта бугун тиббиёт ходимларини кўпайтириш талаб этилмоқда. Жорий йилда қўшимча 20 минггача ўрта тиббиёт ва ижтимоий ходимлар штати ташкил этилиши, қўшимча иш ўринларининг яратилиши эса тиббиёт коллежларини тамомлаб, иш тополмай юрган йигит-қизларимизга катта имконият демакдир.

Шунингдек, туризм ва спортни ривожлантириш бўйича Президентимизнинг фармони қабул қилинди. Соҳани ривожлантириш мақсадида имтиёزلар ва катта маблағлар ажратилди. Жойларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий спорт иншоотлари, мини-футбол, фитнес заллари барпо этиш орқали аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш масалалари ҳал бўлади, шу билан бирга, кўпга иш ўринлари яратилади.



Газетаимизнинг аввалги сонларида Ички ишлар вазири Пўлат Раззоқович Бобоҷонов билан “Сиртқи қабул соати” эълон қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида Ички ишлар вазирига газетхонлардан кўпга саволлар келиб тушди. Биз ушбу саволларни вазира тақдим этган эдик ва жавобини олдик. Бугун ана шу жавобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ҲОЗИРЧА ПОЛВОНЛАРИМИЗДА 5 ТА МЕДАЛЬ



Шу кунларда пойтахтимиз оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилмоқда. Мазкур мусобақа Токио — 2020 Олимпия ўйинлари йўланмаси учун қимматли рейтинг очколарини тақдим этади. Буни Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Халқаро оғир атлетика федерацияси Бош котиби Муҳаммад Жалуд ҳам алоҳида эътироф этди. Мусобақанинг дастлабки куниде аёллар ўртасида -49 кг. вазн тоифасида учта рекорд натижа қайд этилди. Иккинчи кун аёллар

ўртасида -55 кг. вазн тоифасидаги ҳамюртимиз Муаттар Набиева даст кўтариш машқида 99 кг. иккикурашда 213 кг. натижа билан қумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. Эркаклар ўртасида -55 кг. вазн тоифасида бўлиб ўтган беллашуларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Оғабек Нафасов даст кўтариш машқида қумуш медалга эришди. Чампионатнинг учинчи куниде эркаклар ўртасида -67 кг. вазн тоифасида бўлиб ўтган бахсларда ҳамюртимиз Адҳамжон Эргашев силтаб кўтариш машқида ва икки кураш натижасига кўра иккита бронза медалига эга бўлди. Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида ҳозирча терма жамоамиз аъзолари 5 та медални қўлга киритишди. Беллашулар давом этмоқда.



Гимнастикачи қизларимиз тарихда илк бор Жаҳон кубоги гуруҳ машқларида ғолиб бўлишди

Хабарингиз бор, шу кунларда Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг иккинчи босқичи бўлиб ўтмоқда. Мусобақа доирасида қизларимиз тарихда илк бор гуруҳ машқларининг кўпкураш йўналишида ғалаба қозонишди. Бу ҳақда Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар берди. Екатерина Пирожкова бошчилигидаги қизларимиз (Нилуфар Шомуродова, Динара Равшанбекова, Ксения Александрова, Севара Сафоева, Камола Ирнарарова) дастлаб 5 та тўп билан бажарилган машқда 41.25 балл, 3 ҳалқа ва 2 булавада ўтган машқда эса 35.15, жами 76.40 очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Бу билан жамоамиз энг яқин таъқибчисини сезиларли фарқ билан ортда қолдиришга эришди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОҚ талабаси.



Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам эҳтиёжли инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган ва улар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, сайловчилар билан учрашуларда ногиронлиги бор шахслар протез-ортопедия маҳсулотларининг сифати яхши эмаслиги бўйича тез-тез муурожаат қиларди. Эндилиқда улар бу маҳсулотларни ўзи истаган ишлаб чиқарувчилардан сертификат орқали сотиб олиши мумкин. Бу имкониятни чекланган инсонлар сарсон-саргардон бўлишининг, бир қатор оворагарчиликларнинг олдини олади.

МУРОЖААТНОМА

Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт.



ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ РАЎБАРИ

жойларда фуқаролар мурожаатларини ўрганди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятлов Бухоро вилоятида аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай”, “фуқаробай” тизими ҳамда “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дастлаб Вобкент тумани марказий поликлиникасида тиббий муассасанинг моддий-техник базаси, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволаш услублари билан танишилди. Беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда муассаса ходимларига яратилган шароитлар ўрганилди.

Муассаса ходимлари билан бўлган суҳбатда У.Иноятлов аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш борасида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тизимли ишлар йўлга қўйилаётгани, соҳадаги ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тиббиёт ходимларининг фидойилигига боғлиқ эканини таъкидлади.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартиришда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий этилгани ижобий натижага эришди. Бу борада Вобкент туманида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ушбу дафтарларга киритилган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишга Халқ демократик партияси депутатлари ҳам хисса қўшмоқда. Уларнинг бевосита кўмаги билан аёллардан 30 нафари иш билан таъминланган.

У.Иноятлов камбағалликни қисқартириш ишларидаги суқашлик ва камчиликларни таҳлилий-танқидий ўрганиб, зарур ҳолатда туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиш бўйича маҳаллий депутатларга тавсиялар берди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар – “Сариосиё” МФИда яшовчи М.Эргашева, “Қурувчи” МФИда истикомат қилаётган М.Мирсаидоваларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур ёрдам кўрсатилди. 1 гуруҳ ногирони Б.Эргашевага, хасталиқдан сўнг имконияти чекланиб қолган Х.Қутлиевага махсус аравачалар топширилди.

Ўтказилган мулоқотларда кўтарилган 10 дан ортиқ масалани ҳал этиш бўйича чоралар қўриладиган бўлди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЎЗХДП ДЕПУТАТИ:

ВАЗИРЛИК НЕГА ЯНА ШТАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРМОҚЧИ?..



Максуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, ЎЗХДП
фракцияси аъзоси:

— Қишлоқда яшайдиган одам учун беморлик оғриқларига чидашдан кўра, шаҳарга келиб тиббий хизматдан фойдаланиш масаласи кўпроқ қийинчилик туғдирса керак.

Тиббиётнинг бирламчи бўлинида тиббий ёрдам тўғри ташкил этилмаслиги, касалликларнинг эрта аниқланмаслиги беморларнинг марказий шифохоналарга мурожаат қилишларига сабаб бўлади.

Шу боисдан давлат раҳбарининг кейинги йилларда қабул қилинган соҳага доир ҳужжатларида иختисослашган малакали тиббий ёрдами аҳолига яқинлаштириш вазифаси қўйилди.

Бу борадаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида қабул қилинган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида, “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида аниқ кўрсатиб берилган.

Аммо давлат раҳбарининг топшириқлари ҳар доим ҳам бекаму кўст ижро этилмоқда, деб айта олаймиз. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўп тармоқли туман марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ шифокорлик пунктларининг тиббиёт ва бошқа ходимлари учун ишлаб чиқилган штат меъёrlари юқорида кўрсатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга имкон бермайди.

Мисол учун, кўп тармоқли марказий

поликлиникаларда тор доирадаги мутахассислар сони кескин қисқартирилган рўйхатда болалар невропатологи, болалар отоларингологи, болалар эндокринологи, болалар офтальмологи, болалар ортопед-травматологи каби бир қатор мутахассислар кўрсатилмаган, педиатр учун муассасага 1,0 иш ўрни акратилган.

Демак, педиатр 6 соат ишлайди ва соат 14:00 дан сўнг поликлиникада педиатр шифокор қабули бўлмайди. Педиатр меҳнат таътилида ёки касаллик варақасида бўлган вақтда ҳам шу ҳолат бўлади.

Амалдаги тартибга кўра, қақалоқларда эмлаш ишларини хавфсиз амалга ошириш учун албатта, невропатолог кўриги зарур. Бола ривожланишининг назорати тўғри олиб борилиши учун ҳам маълум муддатларда тор доирадаги мутахассислар кўриги талаб қилинади. Таклиф қилинган штатлар жадвалига кўра, бу ишни амалга оширишнинг умуман иложи йўқ. Худди шунингдек, муассасага 1,0 иш ўрнига хирург ва акушер-гинеколог штатлари ажратилиши белгиланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳатлов натижасида аниқланган беморлар марказий поликлиника тор доирадаги мутахассислари томонидан ҳисобга олиниб, даволаш ишлари олиб борилиши лозим. Амалдаги тартибга кўра, барча ҳомиладорлар ҳомиладорлигининг 1-триместрида кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, невропатолог кўригидан ўтишлари керак. Таклиф қилинган штатлар жадвали асосида бу вазифаларни амалга оширишнинг имкони йўқ.

Шунингдек, оилавий поликлиникалар учун муассасага 1,0 иш ўрнида акушер-гинеколог штати таклиф қилинмоқда. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Қизлар ва фертил ёшдаги аёлларга кўрсатиладиган акушер-гинекологик ва тиббий ёрдам хизматлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида марказий ҳамда оилавий поликлиникалар, қишлоқ шифокорлик пунктларида “аёллар маслаҳатхоналари” ташкил этиш кўзда тутилган.

Оилавий поликлиникага 40-50 минг аҳоли бириктирилган бўлса, унинг тенг ярми аёллардан иборат. Акушер-гинекологик зиммасига фақат ҳомиладорлар назорати эмас, балки барча ёшдаги қизлар ва аёллардаги гинекологик касалликларни аниқлаш ва даволаш юқатилгани ҳисобга олинса, бу меъёrlни поликлиника тизимидан мутлақо бехабар одам таклиф қилгани маълум бўлади.

Мутасаддилардан изоҳ сўралганда, бу ўринлар барибир вакант, шунинг учун қисқартирилади, деган жавобни олдик. Соғлиқни сақлаш тизими вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, жорий этилган бундай мутахассислик ўринлари сонини қисқартирилишини шундай юзаки жавоб билан изохлаш мумкинми?

Қолаверса, оилавий шифокорлик пунктлари учун мудир штати киритилмаган. Бу муассасалар ҚВП тизимида ташкил этилганида ҳам мудир штати йўқ эди. Мудирлик, яъни маълум ҳудудда истикомат қилаётган аҳолининг саломатлиги учун масъул бўлган ташкилотни бошқариш врачлардан бирига юқлатиб қўйилган. Бундай ҳолатда шифокор аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш, беморларни аниқлаш ва даволаш билан шугуллансинми, ёки битмас-туганмас ташкилий ишлар биланми?..

Соҳага оид қабул қилинаётган қарорлар, йилимизнинг номланиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишни таъқозо қилар экан, аҳолига тааллуқли бўлган меъёrlий ҳужжатларнинг албатта аҳоли, қўйи бўгин мутахассислари фикри, депутатлар муҳокамаси, ҳисобга олинмасдан қабул қилиниши мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Соғлиқни сақлашдек муҳим соҳани кабинетда ўтириб ёзилган ҳужжатлар билан ривожлантира олмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳолатларни таҳлил қилиш, тизимда яна муаммолар бўлиб ўтишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифларни киритаман:

1. Амбулатор-поликлиника тизимидаги барча муассасаларни бириктирилган аҳоли сонига қараб категорияларга ажратиш;

2. Ҳар бир тиббий муассаса категориясига муювчиқ давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини аниқлаш;

3. Аҳоли эҳтиёжи, тиббиёт муассасасининг марказдан узоклиги, аҳоли сони инобатга олинган ҳолда муассасада ташкил этилиши мумкин бўлган пулли тиббий хизмат турларини аниқлаш;

3. Штатлар жадвалини муассасанинг категориясига муювчиқ шакллантириш;

4. Штат бирикларини муассаса низомида кўрсатилган тиббий ёрдам ҳажми ва таркиби, амалдаги қонун ва бошқа меъёrlий ҳужжатлар асосида қайта кўриб чиқиш;

5. Штатлар жадвалини тузишда тизимда фаолият юритаётган тажрибали мутахассислар иштирокини таъминлаш.

Ушбу таклифлар давлат раҳбари тиббиёт тизими олдида қўйган вазифаларнинг тўлақолини ижро этилишига, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишида муҳим, деб ўйлаймиз.

МУЛОҲАЗА

СТАТИСТИКА ОРТИДАН ҚУВМАСЛИК КЕРАК



Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда жиноятчилик, зўравонлик, ҳуқуқбузарлик ёки минг афсуски, ўлим билан яқунлаган воқеаларда ички ишлар ходимларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бўйича эътирозлар кўпайиб бормоқда. Менинг назаримда, жамоатчилик эътибор қаратган қўнғилсизликларда натижа бўлиб, ижтимоий тармоқларда эътибор қаратилмаган воқеаларда эса натижадорлик бироз сусайгандек.

Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизматини мамлакатимиздаги энг юқори даражада жамоатчилик билан ишлайдиган матбуот хизматларидан бири, деб ҳисоблайман. Тизим катта, ҳодимлар кўп, у ёки бу воқеа бўйича барибир эътирозлар бўлиб туриши табиий. Лекин жамоатчилик назоратини фаоллашгани қанчалар ижобий баҳолансада, тизимда ҳодимлар фаолиятига баҳо бериш бўйича назорат ҳам етарли бўлиши керакку.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ҳодимлар фаолиятига баҳо беришдан йироқман, агар иш ҳажми ва масъулияти бўйича баҳоланса, ички ишлар ходимларининг зиммасидаги юк энг оғир юк, буни ҳеч ким инкор эта олмайдди. Фақат мени ўйлантирган баъзи масалалар бўйича фикр билдирмоқчиман.

Биринчидан, нега профилактика инспекторига ҳудудда жиноят содир қилинмаса ижобий баҳо берилади? Бундай фаолиятга баҳо бериш жиноятларни яширишга олиб келмайдими?

Менинг фикримча жиноят кўп аниқланган профилактика инспекторининг иш фаолияти, умуман жиноят аниқланмаган профилактика инспекторидан кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келади, ақсинча жиноят рўйхатга олинмаган ҳудудда хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида.

Иккинчидан, нега бир фуқаро бошқа ҳудудга бориб жиноят содир қилса, жиноят содир бўлган ҳудуддаги профилактика инспектори кўпроқ жавобгар бўлади. Масалан, бундан 4-5 йил аввал шундай йиғилишларнинг бирида иштирок этдим, Чортоқ туман марказидаги “Навоий” МФИда жуда кўп қўнғилочар мажмуалар, ресторанлар бўлганлиги учун жиноят кўп содир бўлган. Туман марказидаги профилактика инспекторига жуда кўп эътирозлар бўлди, мен шу профилактика инспекторининг яхши фидойи ҳодимлигини билганим боис, ажабландим. Кейин ҳудуддаги ресторанлардаги жиноят ҳақида гап кетатганини англадим. Туман марказидан 55 км. узок масофадаги ҳудудда яшовчи, марказга бир соатга келган инсонларни назорат қилиш имконсизку.

Учинчидан, статистика ортидан қувиш авж олган. Бу бўйича ҳам эътироз бўлмаслиги учун ўзим дуч келган воқеа ҳақида айтиб ўтишни жоиз, деб топдим. Мактаб ўқувчиси олпаси билан ёз ойларида бозорга келади ҳамда олпаси راستадан бир нарсани ўғирлаб олади. Бу воқеа бўйича маълумотга эга бўлмадик, келгуси йилнинг февраль ойида ҳокимиятга йиғилишга кирсам, чечка қишлоқда жойлашган мактабнинг 9-ўқувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумот ўқиб эътиртирилди, ажабландим. Бир йил аввал содир бўлган воқеа статистикани тўғрилаш учун ҳисобга олинмаган. Бу орада опа турмушга чиқиб кетгани боис, қудалар орасида янги келинни обрўсизлантирмаслик учун мактаб ўқувчисини ҳисобга олишибди. Бир йил давомида содир этмаган иш учун ўқувчи билан тарғибот ишларини олиб бордик, бир оилани бузилиб кетмаслиги учун мактаб жамоаси билан асл воқеани билсакда, билиб-билмаганга олдик.

Ички ишлар вазирлиги тизимида бир қатор ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилиши белгиланди.

Ташкент ва Самарқанд вилоятларида 2021 йил 1 июнча профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат бориш ва уни қўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури ишга туширилди.

Мазкур ахборот дастури 2021 йил якунигача республика бошқа ҳудудларида ишга туширилади. Глобаллашув даврида тизимга бундай имкониятлар яратилиши соҳада ижобий ишларга хизмат қилишига умид қиламиз.

Бош прокуратуранинг Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари туғатилиб, Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ташкил этилди. Бу юқори ишончи белгис. Ишончини оқлаш керак, ақс ҳолда, у омонат бўлади.

ТАДБИР

“АЁЛЛАРГА КЎМАК” ЛОЙИҲАСИ:

иштихонлик 7 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 10 нафар аёлга имтиёзли кредит сертификатлари топширилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокини кучайтиришга, аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай” тизими асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини халқимиз ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича 6 та йўналишда 44 та вазифани ўз ичига олган “Йўл харита”си қабул қилинди. Шу асосида партия фаоллари, барча даражадаги депутатлар маҳаллаларга кириб бормоқда, сайловчилар билан очик, самимий суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда Иштихон туман кенгаши томонидан “Аёлларга кўмак” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда оилалар фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, вақтинча ишсиз бўлган аҳоли, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, одамларни боқимандалик қайфияти ҳамда камбағалликдан чиқаришда кўмак бериш каби бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Хотин-қизлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятларнинг жойларда қай даражада бажарилаётганлиги устидан депутатлик ва жамоатчилик



назорати ўрнатилди.

Туманда “Аёллар дафтари”га киритилган 3343 нафар хотин-қиз муаммоларини ҳал этиш бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Гулҳаё Нормуродова, Зайнаб Омонова, Фатима Мирзиярова, Назира Тўраеванинг яшаш шароитлари билан танишилди. Н.Тўраеванинг мурожаати ижобий ҳал этилиб, унга ўз ишини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди.

Тумандаги “Намуна” МФИда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Г. Нормуродовага ногиронлик аравачаси, Кўчқор Қаршиев МФИда яшовчи З.Омоновага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Бундан ташқари, ижтимоий кўмакка муҳтож М.Шодмонованинг оиласи тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, муаммо туман тиббиёт бирлашмаси ёрдами билан ҳал этилди.

Тадбир доирасида тумандаги 2-касб-хунар мактабида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 7 нафар хотин-қизга мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Касб-хунарга ўқитиш курсларини тамомалаган 10 нафар аёлга бандкан имтиёзли кредит олиш бўйича сертификат топширилди. Яна 3 нафар аёлга кредит олиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар ёрдами билан С.Тўйчиева ва М.Жулиевага тикув машиналари олиб берилди.

Ўрганишларда аниқланган муаммолар таҳлил этилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига қўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ва депутатлик гуруҳи, доимий комиссия ҳамда сессия кун тартибига киритиладиган бўлди.

Исломбек УМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят
кенгаши сектор мудир.

КОСОНДА 560 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Косон педагогика касб-хунар коллежида туман бандлик бўлими томонидан ташкил этилган тикувчилик ўқув курсида 165 нафар қишлоқ аёли касб-хунарга ўқитилмоқда. Бу ерда тикиш-бичиш сирларини пухта ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгаши ҳамда туман бандлик маркази ҳамкорлигида “Аёлларга кўмак” лойиҳаси доирасида “Машъал” ҳамда “Муъжагул” маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган тадбир доирасида депутатлар мазкур касб-хунарга ўргатиш курси фаолияти билан танишдилар.

ХДП Косон туман кенгаши раиси С.Раҳимов, туман бандлик маркази раҳбари В.Исmoilов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Н.Бегимова, Д.Боборажабов, С.Аллаёровлардан иборат ишчи гуруҳ шундан сўнг “DIL ARF” масъулияти чекланган жамиятига йўл олдилар. “Муъжагул” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган ушбу корхона тикувчиликка ихтисослашган бўлиб, жамиятда асосан маҳалла хотин-қизлари иш билан таъминланган. Корхонада хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Ҳозирда “DIL ARF” МЧЖда 60 нафар хотин-қиз тикувчилик ва зардўзлик билан шугулланмоқда. Бандлик бўлими билан ҳамкорликда жамият маҳаллада “Аёллар дафтари”га кирган хотин-қизларни шартнома асосида ўқитмоқда.

Лойиҳа доирасида “Аёллар дафтари”га киритилган 5 нафар хотин-қиз ушбу корхонага ишга қабул қилинди. Шунингдек, жамиятнинг 10 нафар тикувчиси ХДП сафига қабул қилинди.

Жорий йилнинг июнь ойида туманда ишга туширилиши мўлжалланган “Бунёдкор” МЧЖда 560 та янги иш ўрни ташкил этилади. Бу тўқимачилик корхонасига асосан ўқув курсларини битирган хотин-қизлар ишга қабул қилиниб, доимий даромад манбаига эга бўладилар.

Шаҳло ХУДОЙҚУЛОВА,

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудир.

МУРОЖААТНОМА

Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамыз.

САЙЛОВ — 2021

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомжўаев олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ва Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қатор низоми лойиҳалари муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистонда Президент сайлови бу йил янги миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга амал қилинган ҳолда, демократик тамойиллар асосида ва бутунлай янги муҳитда ўтқиш алоҳида таъкидланди.

— Жорий йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомжўаев. — Булажак сайловни юқори ташкилий даражада ўтказиш Марказий сайлов комиссияси олдида турган энг муҳим вазифадир. Шунингдек, мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш ва янада демократлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, сайлов ҳуқуқига оид миллий қонунчиликни халқаро сайлов стандартларига уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Сайлов қонунчилиги" тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Президент сайлови янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларнинг, барча фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, фуқаролик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор кенг намоён этадиган улкан сиёсий тадбир сифатида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Бунинг учун сайлов кампанияси эълон қилинганга қадар бўлган даврда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш барча сайлов ташкилотчиларининг энг устувор вазифасидир.

Сайловда очиклик, ошкоралик ва шаффофлик таъминланиши учун участка сайлов комиссияларидан то Марказий сайлов комиссиясигача — барча сайлов ташкилотчилари ўз ишчи демократик принциплар асосида ва юксак ташкилий даражада амалга ошириши белгиланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида киритилган ўзгаришларга биноан энди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови уларнинг конституциявий ваколат муддати тугаيدиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Президент сайлови янги Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётган бир шароитда бўлиб ўтади. Бунинг учун сайловга тайёргарлик кўришнинг дастлабки босқичи, яъни сайлов кампанияси эълон қилинганга



қадар, зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш барча сайлов ташкилотчиларининг муҳим вазифасидир. Ўшбу вазифалардан келиб чиқиб, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури батафсил муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Дастурда Президент сайловига тайёргарлик кўриш борасидаги ишлар тўлиқ қамраб олинган. Асосий тадбирлар дастурида сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, ўшбу жараёнда ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш, сайловга тайёргарлик жараёнига коронавирус пандемияси шароитини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартибини белгилаб бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғрисида тўлдирилганлигини текшириш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибига доир низомилар қабул қилинди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Баҳром Қўчқоров "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича Ҳаракатлар дастури", Марказий сайлов комиссияси котиби Худоёр Маматов "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида", Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Суяроҳон Қурбанкулов "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича участка сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида", Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Гулноза Раҳимова "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғрисида" таъкидланди, Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Баҳром Қўчқоров "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомининг янги таҳрири" тўғрисидаги низоми лойиҳаларининг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берди ва комиссия аъзолари бир овоздан ушбу низомиларни тасдиқлашди.

Президент сайловига тайёргарлик қандай олиб борилиши ва Сайлов қонунчилигида киритилган янгиликлар хусусида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

— Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди ва тасдиқланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

раисининг ўринбосари Баҳром Қўчқоров. — Баҳриладиган вазифаларнинг ижро муддати ва масъул ижрочилари аниқ кўрсатилган. Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнига ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан таъминлаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов қонунчилигига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда барча округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари учун семинарлар, тренинглар, ўқув машғулотлари, конференциялар, давра суҳбатлари, бошқа тадбирлар, жумладан, онлайн мулоқотлар ўтказилди. Зарур рисолалар, видеороликлар, ишчи дафтери (қўлланма), слайдлар, инфографик материаллар тайёрланди.

Бундай материаллар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтига (elections.uz) жойлаштирилиб, сайлов комиссиялари аъзоларига онлайн билим олиш ва онлайн тест тошириш имконияти яратилди. Шунингдек, ўтган сайловлардаги каби "Call-марказ" фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказга тушадиган саволларга сайлов қонунчилиги бўйича малакали экспертлар ва мутахассислар жавоб беради. Барча сайлов участкаларида, энг аввало, сайловчилар, участка аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қўлай шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Республика матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилиши сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларини оммавий ахборот воситалари орқали очик, ошқора, кенг, ҳолис ва тезкорлик билан ҳамда тизимли равишда ёритиб боришга хизмат қилади. Айни пайтда сиёсий партиялар, номзодлар учун ўз сайловолди дастурилар қондалари, уларда акс этган мамлакат ривожланишининг муҳим сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича ўз мустақил нуқтаи назарини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларини оммавий ахборот воситалари орқали тезкорлик билан ҳамда тизимли равишда ёритиб боришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғрисида тўлдирилганлигини текшириш тартиби ҳақида тўхталмоқчиман, — дейди Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Гулноза Раҳимова. — Низомида сиёсий партиялар томонидан имзолар тўплаш тартиби тўғрисидаги қондалар келтирилган. Ушбу қондаларга қўра, биринчидан, сиёсий партия тақдим этилган имзо варақаларида республика бўйича жами сайловчилар умумий сонидан камда бир фоизининг имзоси бўлиши керак. Шу билан бирга, сиёсий партия битта маъмурий-ҳудудий тузилмада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакилига Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганлик

тўғрисида гувоҳнома берилганидан кейингина номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчиларнинг имзосини тўплашга ҳақли.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини ҳар бир сиёсий партияга барча сайловчилари умумий сонининг 1,4 фоизи ҳисобида берилади. Сиёсий партиялар сўровига қўра, имзо тўплаш учун қўшимча имзо варақалари бланкалари берилиши мумкин. Имзолар тўпланишини ташкил этиш учун сиёсий партиялардан масъул шахслар тайинланади.

Сайловчилар битта ёки бир неча номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Сайловчи тўғрисидаги маълумотлар шахсан сайловчи томонидан қўлда ёзиб киритилади ёки унинг илтимосига қўра, имзо тўлашни амалга ошираётган шахс томонидан киритилиши мумкин. Бироқ имзони айнан сайловчининг ўзи қўяди. Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қўнун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига олдириб олишнинг ҳар қандай шакли қўнунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида тикилган имзо варақаларини МСКга топширади.

Белгиланаётган қондаларга мувофиқ, тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги МСК томонидан сиёсий партияларнинг ваколатли вакили иштирокида беш кунлик муддатда текширилади. Бунда текшириш учун жами сайловчилар умумий сонининг камда бир фоизи миқдорига имзолар тақдим этилиши лозим. Агар сиёсий партиялар томонидан жами сайловчилар умумий сонининг бир фоизидан кўпроқ имзолар тўпланган бўлса, қолган имзо варақалари сиёсий партияда захира сифатида қолдирилади. Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларини текширувчи ички ишлар ва адлия органларининг мутахассислари, шунингдек, хатшунос экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидаги ишбилдириш гуруҳини тузиши мумкин.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, сайловчилар имзолари зарур сонининг камда ўн беш фоизи ва имзо варақаларига имзоларни қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим. Сайловга тайёргарлик кўриш бўйича дастурда сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай риоя қилинишини таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

— Сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқоти муҳим жараён ҳисобланади, — дейди Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Баҳром Қўчқоров. — Сайлов кодексига белгиланганидек, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият

ҳисобланади. Ўшбу жараён номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириг куннинг эртасидан эътиборан бошланади ва овоз беришга бир кун қолганида тугайди. «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низоми Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибини белгилайди. Янги киритилган ушбу низомига аввалги низомидагидан фаркли равишда бир қатор янги қондалар киритилмоқда.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг тавсияларига қонунчиликка кампания даврида давлат ресурсларини суиистеъмол қилиш масаласини ҳал этадиган меъёrlар киритилиши лозимлиги билдирилган эди. Ўшбу тавсия 2021 йил 8 февралда қабул қилинган қонунга асосан Сайлов кодексининг 44-моддасига киритилган бўлиб, низомида қўйиладиганларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланиши белгиланмоқда. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари, диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти даврида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади. Биноларга, ишхоналарга ва бошқа жойларга илгари (сайлов кунидан икки кун олдин) жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларини сайлов кун ва овоз беришга бир кун қолганида олиб қўйиш мажбурий ҳисобланмайди.

Шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сайловда иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партияларнинг фикрини инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Нотўғри ахборотни, номзоднинг шаъни ва кадр-ҳимматидаги путур етказадиган маълумотларни тарқатиш, шунингдек, номзоднинг розилигисиз унинг шахсий ёки оилавий сирини иборат хусусий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ноқонуний тўплаш ёки тарқатиш тақиқланади. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жиноий ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Тиббиёт ходимларига чеклов бекор қилинмоқда

Чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдаги энг катта муаммолардан бири — соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар етишмаслигидир. Мисол учун, бугунги кунда вилоятида 3600 дан ортиқ шифокорга эҳтиёж сезилмоқда.

Албатта, бунинг учун хос сабаблари бор. Биринчи навбатда бу марказлар билан олис ҳудудлардаги шароит ўртасидаги тафовут билан боғлиқ. Негаки, ҳеч бир мутахассис ёки ёш кадр барча қўлайлик ва шароитлар мавжуд бўлган жойни ташлаб, чекка ҳудудларда ишлашни хоҳламайди. Бунинг учун уларга рағбатлантириш, имтиёзлар тизими жорий этилиши зарур. Бу гоё Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мулк-қо янги механизмлари жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида қўра, 2021 йилдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари шифокорлари учун "Қишлоқ шифокори" дастури жорий этилди.

Жойларда депутатлар томонидан ўтказилган ўрганишларда ва аҳоли билан учрашувларда "Қишлоқ шифокори" дастурининг аҳамияти катта экани маълум бўлди. Бироқ юқорида номи келтирилган фармондаги "охириги 3 йил ичида тамомлаган" жумласи олис ҳудудларга бориб ишлаш истагидидаги тиббиёт ходимларига нисбатан чеклов ўрнатмоқда эди. Яъни, битирганига 3 йилдан ошган мутахассислар истаса ҳам бу дастурда қатнаша олмас эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси мазкур масала бўйича ҳукуматга мурожаат билан чиқди. Унда йил бўйича ўрнатилган чекловни олиб ташлаш тақлиф қилинди.

Ҳукумат томонидан дастурга жалб қилинадиган мутахассислар доирасини кенгайтириш бўйича билдирилган тақлиф маъқуллангани, ҳозирда тегишли ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани маълум қилинди.

Бу амалга ошса, "Қишлоқ шифокори" дастурида истаган мутахассис қатнашиши мумкин бўлади. Маълумот учун, амалдаги тартибда тиббиёт олий таълим ташкилотини охириги 3 йил ичида тамомлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинганда уларга камда 3 йил ишлаб бериш шарт билан 30 миллион сўм миқдоридан бир марталик пул маблағлари, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилиши ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик ижара тўловлари давлат бюджетидан компенсация қилиниши қўзда тутилган.

Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати.

МУРОЖААТНОМА

Хуқуқ-тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислоҳотларимиз изчил давом эттирилади.

ВАТАНГА ВА ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН



Азамат Суёнов,
журналист:

— Сўнги 4 йилда ИИБ тизимида амалга оширилган ислоҳотлардан хабаримиз бор. Бугун ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун биринчи навбатда нималар қилиниши керак, деб ўйлайсиз?

— Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир маҳаллада тинчлик-осойишталикни, фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 12 февралда илк бор Ўртбошимиз Ички ишлар вазирлиги ҳаётининг кенгайтирилган мажлисида иштирок этиб, ички ишлар органлари тизимида мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 26 мартда "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон имзоланди. Мазкур фармонда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун биринчи навбатда нималар қилиниши кераклиги белгиланган.

Улардан асосийларини санаб ўтадиган бўлсам, ички ишлар органлари таянч пунктлари негизда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилади. Ушбу масканларда фаолият кўрсатадиган бошқа соҳавий хизматлар ва миллий гвардия ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини профикалтика инспекторлари мувофиқлаштиради.

Профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш имконини берувчи "Smart маҳалла" ахборот дастури ишлаб чиқилиб, 2021 йил 1 июнга қадар Тошкент ва Самарқанд вилоятларида, жорий йил якунигача эса республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширилади.

Қаердаки илмий асосда иш кўриلسа,

Аслиддин Боқиев, Иштихон тумани:

— Фуқаролар фарибгарлик жинояти тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, жумладан, ИИБга мурожаат қилганларида нима сабабдан тергов органи шугулланмасдан аризалар профилактика инспекторига ёки жиноят қидирув ходимларига берилади? Натижада аризалар қонуний ҳал қилинмаяпти.

— Жиноятга оид мурожаатлар келиб тушган тақдирда (фарибгарлик жиноятлари ҳам бундан мустасно эмас), Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддаси ва 39¹-моддасига асосан кўрсатилган 14 та орган терговга қадар текширувни амалга ошириш ваколатига эга. Бу жиноятга оид аризалар ва хабарларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига қамраб олади. Ўз навбатида, терговга қадар текширувни ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, жиноят-қидирув ва бошқа хизматлар амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

ЖПКнинг 39²-моддасига асосан терговга қадар тек-

Газетамизнинг аввалги сонларида Ички ишлар вазирлиги Пўлат Раззоқович Бобоҷонов билан "Сиртқи қабул соати" эълон қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида Ички ишлар вазирлиги газетхонлардан кўплаб саволлар келиб тушди. Биз ушбу саволларни вазирга тақдим этган эдик ва жавобини олдик.

Бугун ана шу жавобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Минажатдин Қутлимуратов,
Нукус шаҳри:

— Жамоатчилик назорати масканлари жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос таянч, деб ҳисоблаймиз. Аслида кўпчилик жамоатчилик маскани бўш туриши кузатилмоқда. Унинг ўрнига видеокузатув мосламалари ўрнатилса, 24 соат давомида хавфсизликни назорат қилиш имкони бўлади-ку.

— Фуқаролар йиғинларида тинчлик-осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг мулкига бўлган тажовузларнинг олдини олиш мақсадида барпо этилган айрим "Жамоатчилик назорати масканлари"ни синов тарикасида видеокамералар ўрнатиш шарти билан, тадбиркорлик субъектларига ижарага бериб, улар негизинда "Электрон кузатув масканлари" фаолиятини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада вазирлик ҳуқуқбузарликлар бosh бошқармаси томонидан ҳуқуқ қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрганиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

ширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси терговга қадар текширувни амалга ошираётганда, худди шунингдек, терговчининг, суриштирувчининг топширигини бажараётганда, ЖПКда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширади ва қарорлар қабул қилади.

Фуқаро А.Боқиевнинг саволига келадиган бўлсак, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар, жумладан, фарибгарлик тўғрисидаги мурожаатлар юзасидан далилларни мустаҳкамлаш, ҳолат иштирокчиларининг шахсларига аниқлик киритиш ва бошқа бир қатор ҳаракатлар амалга оширилиши сабабли, терговга қадар текширув ҳаракатларини ички ишлар органларининг ушбу ваколатга эга ходимлари амалга ошириши мумкин. Терговга қадар текширув натижаларига кўра, агарда ушбу жараён жиноят-қидирув, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлиналари ходимлари томонидан амалга оширилган тақдирда ва мурожаатда жиноят аломатлари аниқланганда, терговга қадар текширув материалларини тергов органига ошириш чоралари кўрилади. Жиноят аломатлари аниқланмаган тақдирда эса терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошираётган ходим жиноят ишини кўзгаатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ўз навбатида, терговга қадар текширув материалларидан ва унинг натижасига кўра, қабул қилинган қарордан норози бўлган фуқаро юқори турувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Юнус Узоқов,
Китоб тумани:

— Мустақилликнинг биринчи йилларида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Давр ўзгарди, машиналар кўпайди. ИПХ ходими ва ҳайдовчи мажбуриятлари аниқ бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Ана шу замонавий, ҳаётий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги қонун яратилиши ҳақида нима дейсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йиллари давомида республикамиздаги транспорт воситалари сони 140 фоизга (1,5 млн.дан 3,6 млн.га), аҳоли сони эса салкам 75 фоизга (20,1 млн.дан 35 млн.га) ошган. Мамлакатимиздаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 209 минг км.ни ташкил этади. Бу ҳар бир ИПХ инспекторига ўртача 85 км. йўл кесимидан тўғри келмоқда, дегани.

Сўнгги ўн йил давомида республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 11 фоизга камайишига эришилган: 2020 йилда йўл-транспорт ҳодисалари сони олдинги даврга нисбатан 13,7 фоизга камайишига эришилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат соҳавий таълим ва ҳайдовчилик маданиятини ошириш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини такомиллаштириш каби йўналишларни ўз ичига олган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси дунёдаги йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи норматив-ҳужжатларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратадиган давлатлар рўйхатига киритилган. Хусусан, мамлакатимиз тезлик меъёрлари ҳукуматнинг норматив ҳужжатлари асосида тартибга солинган 46 та, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш учун мурасасиз чоралар белгиланган 45 та, хавфсизлик камарларини тақиб юриш тартиби йўл ҳаракати қоидалари билан назоратга олинган 105 та давлат қаторидан жой эгаллаган.

Бунинг исботи сифатида сўнгги йилларда қабул қилинган 4 та қонун, Президентимизнинг 6 та ва ҳукуматнинг 52 та қарори ҳамда 47 та идоравий ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, 2017 йил 11 июль куни тасдиқланган "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, соҳанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тўлиқ қайтадан кўриб чиқилди.

Ҳозирда соҳада рақамлаштириш чора-тадбирлари жадаллик билан амалга ошириляпти. Электромобиллар ва бошқа илгор технологиялар юртимизга кириб келяпти. Шу боис бу борада қонунчилик ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиб боришмоқда.

Шарифжон Каримов,
Зангиота тумани:

— Ўғлим Зангиота туманида мен билан бирга яшайди. У ички ишлар органи ходими. Ўғлим ҳар куни Зангиотадан Олмалик шаҳрига 120 км. йўл босиб бориб, ишлаб келади. Унинг 2 нафар фарзанди бор. Ишини Тошкент шаҳрига яқин туманларга ўтказишнинг имконияти борми?

— Худди шу каби ҳолат Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини ўрганиш ишлари давомида ҳам аниқланди. Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 14 нафар профилактика инспектори ўз уйига яқин ҳудудларга ротация қилинди. Фуқаро Шарифжон Каримовнинг фарзанди, катта сержант Дилшод Якубжанов ҳозир Тошкент вилояти ИИББ тизимида хизмат ўтаётди. У келгусида хизматини Тошкент шаҳар ИИББ тизимида давом эттириш истагида жорий йилнинг 25 март куни Бош бошқарма раҳбариятига билдирги билан мурожаат этган.

Унга мувофиқ ушбу ходим Сирғали тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига ўтказилди.

Эргаш Очилов,
Қарши шаҳри, тадбиркор:

— Ҳозир тадбиркорларга кўчаларда ва майдонларда машиналар ҳаракатини назорат қилиш учун кузатув ускуналари ўрнатишга рухсат берилмоқда. Тадбиркор сарфлаган маблағини қай тарзда қоплайди? Бу борада бирорта меъёрий ҳужжат борми?

— 2020 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳукуматнинг "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Қарор лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларни ўрнатиш учун сарфлаган маблағларини қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этган шахслардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан қопланиши белгиланган бўлиши қўйилган.

Шоира Сулаймонова,
Янгийўл тумани:

— Янгийўл туманидан ўтувчи трассада оғир юк ташувчи ва енгил автомашиналар ниҳоятда тез ҳаракатланади. Натижада фожиялар тез-тез содир бўлаяпти. Радарларни кўпайтириб, тезликни белгиланган меъёридан оширган ҳайдовчиларга жаримани кўпайтирса бўлмайди?

— Республикамиз автомобиль йўлларида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий қисми ҳайдовчиларнинг белгиланган тезлик меъёрларига амал қилмасликлари, светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасликлари ва шу каби бир қатор қўпол қоидабузарликлар оқибатида рўй бермоқда. Ҳар қандай йўл-транспорт ҳодисаси инсон соғлиги ва ҳаётига жиддий хавф туғдиради, оқибатда бегуноҳ инсонларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолишларига ёки бевақт ҳаётдан кўз юмишларига сабаб бўлмоқда.

Фоторадар комплексларидан фойдаланиш фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида инсонларнинг ҳалок бўлиши каби мудҳиш ҳолатларнинг олдини олишда самарали чора-тадбир ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш курилмаларидан кенг фойдаланилмоқда. Қолаверса, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги қарорига асосан, республика бўйлаб махсус автоматлаштирилган интеллектуал видеокамералар ва стационар радарларни ўрнатиш ҳуқуқини тадбиркорлик субъектларига бериш лойиҳаси амалга ошириляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 декабрдаги тегишли қарорига асосан, хоржий инвестор томонидан қўшимча мобил фото-видео фиксация қилувчи курилмаларни жорий этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимиз бўйича йўл ҳаракатини назорат қилиш мақсадида автомобиль йўлларига жами 1 560 та камера, жумладан, 1 174 та кузатув камераси, 386 та йўл ҳаракати қоидабузарликларни аниқлаш камераси ўрнатилди. Тезликни назорат қилиш бўйича "онлайн" режимда ишловчи 194 та фоторадар ҳамда 30 та "Nexia-3" русумли автомобиллар базасига ўрнатилган мобил комплекслари ишга туширилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятидан ўтган М-39 халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлида ҳозирги кунда 3 та "Nexia-3" русумли автомобиль базасига мобил комплекслари ва 3 та кўчма фоторадар курилмалари ўрнатилган бўлиб, улар орқали белгиланган тезлик талабига амал қилмасдан, транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан жарима жазолари қўлланилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1283-моддасининг 1, 2 ва 3-қисмлари бўйича жарима жазоси белгиланган берилган.



МУРОЖААТНОМА

Мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади.

ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

Музроб Ҳалимов,
Қизилтепа тумани:

— Жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида эшитамиз. Уларнинг ҳуқуқий билими, малакасини ошириш, маҳкумлар билан ишлашда муомала маданиятини яхшилаш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Жазони ижро этиш тизими ва унинг тасарруфидаги муассасаларда хизмат олиб бораётган ходимлар билан вазирлиқнинг тегишли буйруқлари асосида "Маънавият ва маърифат" дарслари ҳамда "Хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик" машғулоти мунтазам ўтказилиб, уларнинг касбий малакаси ошириб келинмоқда. Бундан ташқари, ИИБ Малака ошириш институти томонидан ходимларнинг билим савиясини ошириш, фуқаролар ва жамо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича дарс машғулоти, семинар-тренинглар олиб борилмоқда.

2021 йилда ўқитилиши режалаштирилган жазони ижро этиш муассасаларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг касбий малакаси ва амалий кўникмаларини ошириш бўйича масофавий ўқув йўналишининг ўқув дастури ишлаб чиқилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ҳам мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармаси тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг Тарбиявий ишлар ва Тезкор-қидирув фаолияти бўйича ўринбосарлари, кадрлар бўлинмалари ходимлари ҳамда психологлар иштирокида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказиш, шахсий таркибнинг хизмат интизоми ва қонунийликка риоя қилишларини таъминлаш, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан қатъи вазифалар, кўрсатма ва топшириқлар берилган. Семинарда кадрларни танлаш, қайи-жойига қўйиш, уларнинг кўнимсизлигига барҳам бериш борасида амалдаги механизмларни такомиллаштириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш тартиби тушунтирилди.

Семинар давомида Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси психологик хизмати малакали психологлари томонидан ички ишлар органлари ходимлари томонидан зиддиятли ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳал этишнинг усуллари, экстремал ҳолатларда ўзини тутиш қоидалари бўйича психологик тренинглар ташкил этилди.

Шахсий таркиб ўртасида ҳар бир ходимнинг хизмат фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб бориш, хизмат вақтида ёки хизматдан ташқари пайт бўлишдан қатъи назар, фуқароларга нисбатан юксак маънавиятини кўрсатишини таъминлаш борасида тарбиявий ишларни ўтказиш усуллари тарғиб этилди.

Ходимлар белгиланган хизмат муддатини ўтагандан кейин уларнинг ҳар йилги асосий таътилига қўшимча равишда календарь ҳисобида давомийлиги ўн йиллик хизматидан сўнг — беш кун, ўн беш йиллик хизматидан сўнг — ўн кун, йигирма йиллик хизматидан сўнг — ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши белгиланган.

Маматқобул Облқосимов,
Ўқитувчи, Жиззах шаҳри:

— Ҳар бир соҳада ёшларга ибрат қилиб кўрсатадиган қаҳрамонлар бўлади. Ички ишлар ходимларига кимлар қаҳрамон қилиб кўрсатилади?

— Давлатчилигимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, барча даврларда бутун бир миллатимизнинг фахрига айланган, ёш авлодга намуна қилиб кўрсатса арзийдиган, бутун дунё тан берган буюк аждодларимиз яшаб ўтишган. Ички ишлар органлари ходимларига ҳам доимо Амир Темур, Жалолитдин Мангуберди, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби эзгу амаллари билан донг таратган улуг инсонларни ҳар ҳафтада намуна қилиб кўрсатамиз.

Олиб борилган изланишлар натижасида ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳам бир вақтлар жамоат тартибини сақлаш хизматида кўнгилли тарзда фаолият олиб борганлиги аниқланди. Бу ҳақдаги ҳужжат айна вақтда ташкил этилаётган янги музейлардан жой олмоқда. Буюк адиб билан бир соҳада хизмат қилиш

Дилмурод Дўстмуродов,
Самарқанд шаҳри:

— Ички ишлар тизимида дам олиш кунни қачон ўйлаш қўйилади? Йиллик таътил нега бошқаларга ўхшаб 24 кун эмас?

— Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг меъёрий буйруқларига асосан, ички ишлар органлари ходимларига дам олиш ва иш қобилиятини тиклашлари учун таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, уч календарь кундан ошмайдиган вақт қўшилган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳар йилги асосий таътиллار берилади.

Шунингдек, ходимлар белгиланган хизмат муддатини ўтагандан кейин уларнинг ҳар йилги асосий таътилига қўшимча равишда календарь ҳисобида давомийлиги ўн йиллик хизматидан сўнг — беш кун, ўн беш йиллик хизматидан сўнг — ўн кун, йигирма йиллик хизматидан сўнг — ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши белгиланган.

Шу муносабат билан ходимларга юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўрнатилган тартибда йиллик асосий таътиллار берилмоқда.

БИЛАСИЗМИ?...

Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланганда ЙПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нужаси)ни кўрсатиши лозим.

Шерзод Назаров, тадбиркор, Самарқанд вилояти:
— Одамлар орасида ички ишлар ходимлари обрўсини ошириш ниямларга боғлиқ, деб ўйлайсиз?

— Аҳоли орасида хизмат олиб бораётган ҳар бир ходим Ички ишлар вазирлигининг юзи ҳисобланади. Одамлар ходимларимизнинг хизмат фаолияти, фуқароларга бўлган муомаласи, мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб, муаммоларини ҳал этишига қараб тизимга баҳо беришади. Шу боис ҳам биз биринчи навбатда ходимларнинг билимини, касб маҳоратини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ходимнинг уст-боши, хизмат машиналари, фойдаланаётган махсус техник воситалари ҳам соҳа вакилларининг имижини белгилаб беришда катта аҳамиятга эга. Мана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, патруль-пост ва йўл-патруль, хавфсиз туризми таъминлаш хизматлари ходимларига замонавий ва кўркам хизмат автомобиллари бириктирилиб, кундалик кийим-бошларининг дизайнлари устида алоҳида иш олиб борилмоқда.

Айнан одамлар орасида ички ишлар ходимлари обрўсини ошириш мақсадида яқинда Президентимизнинг қарори билан "Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси" тасдиқланди. Унга кўра, ички ишлар органлари ходимларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари "Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!" концептуал ғояси асосида ташкиллаштирилади. Соҳа ходимларида юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби олий маъсулият туйғусини шакллантириш мақсадида ҳар бир ҳудудий ички ишлар органида "ватанпарварлик бурчаги" ташкил этилади.

Шунингдек, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш учун фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг машаққатли хизматлари тўғрисида телекўрсатувлар, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, радио эшиттиришлар ташкил этиш, роликлар ва лавҳалар тайёрлаш ҳамда ижтимоий тармоқларда тарқатиш шулар жумласидандир. Тизимдан чиққан қаҳрамонларнинг ҳаёти, жасорати билан ходимларимизни, қолаверса, халқимизни яқиндан таништириш мақсадида ИИБ томонидан Ички ишлар жаҳон уруши давридан айна пайтагача хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи "Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари" номли китоб тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллигига бағишланган санада нашр этилади.

эса ҳар бир ички ишлар органи ходими учун фахр десак, муболага бўлмайди, албатта.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, турли кўринишдаги жиноятларни бартараф этиш, юртимиз ҳудудига суқилиб қирган жангариларни зарарсизлантириш, хавфли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида мардларча ҳалок бўлган 148 нафар ходимларимиз ҳам биз учун қаҳрамон, албатта. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида турли йилларда хизмат қилиб, генераллик унвонига сазовор бўлган инсонларнинг ҳаёт йўли ҳамма осойишталик посбонлари учун ибрат мактабидир. Қолаверса, ёш ходимларимиз давлатимизнинг турли юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларидан ўрناк олишга интилиши ҳам табиий ҳол.

Тахририят саволи:

— Президентимиз жорий йил февраль ойида Ички ишлар вазирлиги ҳайъати йиғилишида қатнашиб, қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, маҳаллаларда участка нозирлари ўрнида ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этиш топшириғи берилганди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда ва бу ўзгариш қандай натижа беради, деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Унга кўра, қуйидаги тартиб ўрнатилди:

— туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммолар масалаларни ҳал этиш чораларини кўради;

— халқ, депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳоли бўйича ҳисоботини эшитиш ва зарур чораларни белгилайди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Масканлар Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда ташкил этилади.

Масканлар биноларига қўйиладиган талаблар ва уларда фаолиятни олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Масканлар ўз фаолиятини:

Абдужаббор Ачилов,

халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати, ҳуқуқшунос:

— Ҳозир халқ таълими соҳасида мактаб директорларини туман ёки шаҳар халқ таълими бошқалари томонидан тўғридан-тўғри тайинлаш тажрибасига чек қўйиладиган бўлди. Улар энди ота-оналар, маҳалла фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокидаги йиғилишда суҳбатдан ўтиб, овоз бериш тартибидан сўнг тайинланади.

Ички ишларга оддий ходимлар танлаб олинаётганда, ҳеч бўлмаса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари қатнашса, мақсадга мувофиқ бўлмайdimи?

Чунки ички ишлар соҳасига ишга кирмоқчи бўлган номзоднинг жисмоний тайёргарлигидан ташқари дунёқараш, маънавиятига эътибор қаратиш ҳам муҳим деб ўйлайман. Бу масалада фикрингиз қандай?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг "Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ички ишлар органларига номзодларни ишга қабул қилиш тартиби белгиланган. Унга кўра, номзодларни ишга қабул қилиш жараёни ҳудудий бошқарма бошлиқлари томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари томонидан ўтказилади.

2021 йил 2 апрель кун Ички ишлар

Республикаси Президентининг

"Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори имзоланди. Қарорда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди ва маънавий-маърифий ишлар ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлаш соҳасининг устувор йўналиши

сифатида белгиланди.

Айни вақтда номзодларни ишга қабул қилиш тизими мутлақо шаффоф тарзда ташкил этилиб, номзодларни суҳбатдан ўтказиш жараёни бир вақтинг ўзида ўша ҳудудда жонли тарзда трансляция қилинмоқда. Мазкур жараёнда нафақат номзоднинг яқин қариндошлари ёки вакиллари, балки маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоатчилик фаоллари ва журналистлар, умуман истаган одам қатнашиши мумкин.

ТАХРИРИЯТДАН:

Ўзбекистон Ички ишлар вазири Пўлат Раззоқович Бобожоновга "Сиртқи қабул соатлари"да иштирок этгани, фуқароларимиз мурожаатларини ўрганиб, ўз вақтида асослантирилган жавоблар қайтаргани учун миннатдорчилик билдирамиз.

Ички ишлар тизими ходимларига эл-юрт осойишталигини сақлашдек маъсулиятли ва шарафли ишларида юксак муваффақиятлар тилаймиз.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ЯНГИ ТАЛАБЛАР ВАКОЛАТЛАР



Профилактика инспекторлари лавозимига қанда тарихида, олий қоридик маълумотли шиклар 5 йил муддатга тайинланади



Ушбу муддатда уларни бошқа ишга ўтказиш таъқиқланади
> юқори лавозимга ўтиш
> жавобгарликка тортилиш ҳолларидан ташқари



Профилактика инспекторларининг 13 та ортиққа функциялари қисқартрилди



Ҳудудий ички ишлар органларининг масъулларига қўйиладиган таъқиқланади
> профилактика инспекторлари фаолиятига аралашуш
> профилактика инспекторларини хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш



Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ҳисобланади



Ҳар бир маҳаллада камида 1 нафар профилактика инспектори хизмат қилади



Профилактика инспектори лавозимида камида 5 йил ишлаган ходимлар туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари лавозимига устуворлиги асосида тайинланади

МАНБА


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги П-8538-сонли "Жамиятда инклюзив-маънавий муқим соҳасини таъминлаш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони

МУРОЖААТНОМА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

КОРРУПЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Коррупцион ҳолатлар энг кўп қайд этилаётган вазирликлар маълум қилинди



Халқ таълими тизимида жами 78 миллиард сўм молиявий хато ва камчилик, ноқонуний ўзлаштириш аниқланиб, қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилган. Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган 214 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган, 34 нафар масъул мансабдор эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Ташкилот ва муассасаларда коррупцияга қарши мувофиқлик ва яширин иқтисодиётни қисқартириш тизимларини жорий этиш бўйича қабул қилинган комплекс “йўл харита”лари ижроси” борасида амалга оширилган ишлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мутахассислар коррупцияга қарши курашда оқибатлар билан эмас, балки сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чоралар билан курашиш самаралироқ эканлиги, коррупцияга қарши мувофиқлик “комплаенс-назорат” тизими ана шундай механизмлигини таъкидлашди.

Агентликнинг коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда яширин иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик (комплаенс-назорат) тизимини жорий этиш юзасидан 26 вазирлик ва идорада “йўл харита”си ишлаб чиққан. “Йўл харита”сидаги вазифаларнинг ижро ҳолатини баҳолаб бориш мақсадида anticor.jifo.uz элект-

рон назорат тизими ҳам яратилган.

“Комплаенс-назорат” тизими тўлиқ жорий этилиши натижасида бугунги кунда беш ташкилот “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди. Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари, Давлат активларини бошқариш ва Интеллектуал мулк агентликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар-хонашёр биржаси шулар жумласидан.

— “Йўл харита”сидаги вазифа ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича рейтинг шакллантирилган бўлиб, уларнинг баҳолаш натижаси бўйича Олий таълим вазирлигида, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Ўй-жой коммунал хизмат

кўрсатиш ҳамда Транспорт вазирликларида вазифаларнинг ижроси таъминланмаган ёки белгиланган вазифалар қониқарсиз даражада бажарилган, — дейди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бошқарма бошлиғи Зухриддин Қодиров. — Бундан ташқари, ушбу “Йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан 19 вазирлик ва идора ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятларга жойига чиқиб ўрганилди. Натижада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Марказий банк ҳамда Молия вазирлигида “Йўл харита”си ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги аниқланди. Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида 2020 йилда “Комплаенс-назорат” тизимини жорий қилиш белгиланган бўлишига қарамай, ҳануз жорий этилмаган. Тошкент вилоятида ўрганишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, мисол тариқасида айтилган бўлсам, вилоят ҳокимлиги фаолиятида 111 та коррупцион хаттарлар аниқланган, шундан 96 таси юқори, 14 таси ўрта ва биттаси паст даражадаги коррупцион хаттарлардир.

Халқ таълими тизимида жами 78 миллиард сўм молиявий хато ва камчилик, ноқонуний ўзлаштириш аниқланиб, қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилган. Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган 214 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган, 34 нафар масъул мансабдор эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида 16 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган ва 22 миллиард сўм бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олди олинган.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимидаги ҳодимлар аттестациядан ўтказилиб, коррупцияга мойиллиги бўлган 1 минг 476 нафар (28 %) ҳодим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Булари қурилиш соҳасида давлат буюртмасини танлов асосида жойлаштириш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш функцияси, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ерларни ажратиш ва хусусийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштириш ва мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш, давлат мулкни хусусийлаштириш, экспорт дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, кадрлар захирасини шакллантириш, кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш каби-лардир.

Эътиборли жиҳати, вазирлик ва идораларда “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилиши орқали салмоқли натижаларга эришилган. Мисол учун: “Ўзжимсанот” акциядорлик жамиятида коррупциянинг олдини олиш мақсадида махсуслотни тўғридан-тўғри сотиб олиш амалиётига чек қўйилиши натижасида жорий йилда 15,3 миллиард сўм иқтисод қилинган. “Қўнғирот сода заводи” акциядорлик жамиятида эса 9 миллиард сўмлик 4,5 минг тайёр махсуслот қамомади борлиги аниқланган ва қонуний чора кўриш учун ҳужжатлар ҳуқуқ-тартибот органига юборилган.

Халқ таълими тизимида жами 78 миллиард сўм молиявий хато ва камчилик, ноқонуний ўзлаштириш аниқланиб, қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборилган. Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган 214 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган, 34 нафар масъул мансабдор эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида 16 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган ва 22 миллиард сўм бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олди олинган.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимидаги ҳодимлар аттестациядан ўтказилиб, коррупцияга мойиллиги бўлган 1 минг 476 нафар (28 %) ҳодим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Давлат божхона қўмитаси тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда ходимлар томонидан ноқўя ҳаракатлар содир этилишига чек қўйиш мақсадида 143 нафар ходим бошқа лавозимга, 29 нафар ходим бошқа ҳудудий бошқармаларга навабатдан ташқари ротация қилинган.

Юқоридаги рақамлар коррупциянинг олдини олишда “комплаенс-назорат” тизимининг профилактик ўрни нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, ҳолатларни эрта аниқлаш йўли билан хижоат содир этилишигача бормаслик ва қелиб қиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш тизимнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади.

Матбуот анжуманида Қурилиш вазири Ботир Зокировга алоқадор компания тендерсиз Тошкент шаҳрида 431 миллиард сўмдан ортқ давлат буюртмасини олганлиги ҳолати бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмийларидан изоҳ сўралди.

Ушбу саволга жавобан агентлик бошқарма бошлиғи Зухриддин Қодиров бу масала юзасидан ўрганишлар бошланганини таъкидлаб, агентлик томонидан қурилиш соҳасида, тендерлар ва давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳолатларни аниқлаш бўйича доимий равишда масофавий мониторинг тадбирлари амалга оширилаётганини ҳам айтиб ўтди. Қурилиш вазири билан боғлиқ ҳолат бу ягона ҳолат эмас. Фақат республика миқёсида эмас, балки вилоятлар миқёсида ҳам қўллаб ҳолатлар учраб турибди. Бу бўйича ўрганишларимиз давом этаётти. Ҳар бир ҳолат бўйича тегишли тақлифлар манфаатдор идораларга берилган. Ботир Зокировга тааллуқли давлат хариди бўйича ҳам ўрганишлар олиб борилмақда. Натижаси албатта жамоатчиликка маълум қилинади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН

автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун махсус жойлар ташкил этилади



Қонунчиликка кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги автотураргоҳларнинг кириш ва чиқиш қўлай бўлган қисмида тўхтаб туриш жойлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари тўхтаб туриш жойи умумий майдонининг камида 5 фоизини (камида 2 та жой) ташкил этиши лозим.

Мазкур тўхтаб туриш жойларига «5.15. Тўхтаб туриш жойи» ва «7.17. Ногиронлар» йўл белгилари ўрнатилади.

Шунингдек, ушбу тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

ХОДИМ ИШ БЕРУВЧИДАН

меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли



Қонунчиликка кўра, ходим иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Бунда ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси 3 кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан қўриб чиқилиши лозим. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талаблари рад этилган тақдирда, бунинг сабаби иш берувчи томонидан ёзма шаклда маълум қилиниши керак.

Рад этиш сабаблари маълум қилинмаган тақдирда, ходим ушбу ҳолат бўйича шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

ҲАЙДОВЧИЛАРГА

тезлик билан боғлиқ қўйидаги

ҳаракатлар тақиқланади

— тезлики мазкур транспорт воситаси-



нинг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезликдан ошириш;

— тезлики транспорт воситасига ўрнатилган “Тезлик чекланган” таниқлик белгисида кўрсатилганидан ошириш;

— зарурият бўлмаганда жуда паст тезликда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига ҳалақат бериш;

— йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш зарурияти бўлмаганда кескин тормоз бериш.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА

бола парварishi бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ариза тақдим этилади.

Ариза Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи номига ёзилади.

Аризага қўйиладиганр илова қилинади:

• ариза берувчи оила аъзоларининг паспорти нусхалари ёки ID-карталари;

• чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд варағи нусхаси;

• болалари васийлик остида бўлган тақдирда аризага васийлик ва ҳомийлик органининг қарори нусхаси;

• оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумот;

• ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан «Ягона реестр» АТга тақдим этиш тўғрисида оилда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза.

Адлия вазирлигининг телеграммдаги “Huquqiy axborot” канали.

“101” ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмақда. Улардан кўзланган мақсад аҳолига ёнгин хавфсизлиги қондаларини тушунтирган ҳолда, уларга риоя этишга, ёнгиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли. Аҳолига ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда туттиш, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлигини эслатиб ўташ. Ушбу қондаларга қатъий риоя қилиб боришса, ҳар бир фуқаро йиллаб тўпланган мол-мулкни, ўй-жойни, асосийси, ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади. Ёнгин бир неча сонияда инсонларни мол-мулкдан, яқинларидан ҳам ажратиб юборадиган бир офатдир. Бу каби ноҳушликлар бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз оқибатида рўй беради. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларимизни ҳушёрликка, огоҳликка чақирамиз.

Жасурбой ШАДМАНОВ,
Сардор КАМОЛОВ,
Анвар ҲАЗРАТОВ,
ШКБ ОБХТТЭБ
инспекторлари.

МУНОСАБАТ

МАНСАБДОР ШАХСЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛАДИ

Ёшларнинг ишсиз қолиши ёки хорижа меҳнат қилиш мақсадида ноқонуний чиқиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш, уларни доимий иш ва даромад манбаига эга бўлишлари хусусида аниқ тақлифлар билан чиқиш ҳамда амалий чора-тадбирлар кўриш бугунги кунда ҳар бир раҳбарнинг мажбуриятига айланиши зарур.

Ҳозирги кунда ишсизлик, ишчи кучидан оқилона фойдаланмаслик иқтисодиётнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Муаммонинг ечимини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлайди. Бу борада ёшларнинг кучи ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 13 апрель кунини ўтказилган видео-селектор йиғилишида ёшларни иш билан таъминлаш, касбга ўргатиш, уларда тадбиркорлик қўнимчаларини ҳосил қилиш ва бизнесларини йўлга қўйишларида қўллаб-қувватлаш, муносиб таълим олишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун зарур шароитларни яратиш борасида мутасаддилар олдида турган муҳим вазифалар белгиланган бўлиди.

“Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиш бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз бу — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир”, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур йўналишларда асосий эътибор қаратиш лозим бўлган

масалалар аниқ белгиланган берилди.

Биринчидан, аҳолини иш билан таъминлашни ошириш ва ижтимоий таъминотини қўллаб-қувватлаш фаолиятини кучайтириш ва уларнинг меҳнат бозорига роҳини ошириш;

Иккинчидан, меҳнат бозорига ишчи кучининг сифати ва вақолатларини ошириш, шу билан касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар ўтказиш.

Бунда «Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор» тамойили асосида «Ёшлар: 1+1» дастури доирасида ишсиз ва уюлмаган ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича ўқув-курслари ташкил этиш ҳамда субсидиялар ажратиш жараёнида бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга кўпроқ эътибор қаратиш

зарур бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросининг сифатли бажарилиши биз, ЎзАДП депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Давлат дастуридан жой олган, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини қатъий назоратда олишимиз, амалга оширилаётган ишларга ҳаққоний баҳо беришимиз зарур. Ислохотларга тўсқ бўлаётган ҳар қандай ҳолатга мurosасиз бўлишимиз лозим.

Улугбек КОЧКАРОВ,
халқ депутатлари Фарғона
вилояти Кенгаши депутати,
“Hududqaz Fargona” газ
таъминоти филиали директори.

“ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ ВА БЎЛМАГАЙ”

Илм-маърифат — инсонни қамолотга етакловчи, унга нажот берувчи буюк неъмат. Бу фикрнинг ёркин далили сифатида Имом Бухорийнинг ўн икки аср олдин “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай” деган фикрлари асос вазифасини бажаради. Шу боис аждодларимиз қадимдан илм-маърифат ўрганиш ва фарзанд таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб келади. Бугун бу анъана давом этаётгани, сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва диний маърифатга берилётган эътибор яқин келажақда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан юртимиздаги барча таълим муассасаларида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида семинарлар ҳамда “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай” мавзусида олимлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар замирида олий таълим

муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар орасида жаҳолат ва илмсизлик гоёларига берилишининг олдини олиш ҳамда уларни илм-фан ва касб-хунарга қизиқтириш каби хайрли мақсадлар ётибди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Анжуманда академиянинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Зоҳиджон Исмолов, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Давронбек Махсудов, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, докторантлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатини филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исмолов кириш сўзи билан очиб бераркан, бугунги кунда дунёда илмсизлик ва жаҳолат оқибатида юзага келаётган экстремизм ва терроризм каби бало барчани ташишга солиб келаётганини қайд этди. Бунинг олдини олиш учун эса ёшларни илм-маърифатли қилиш, уларни қомил инсон қилиб тарбиялаш долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Тадбир давомида тарих фанлари доктори, доцент Давронбек Махсудов

мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бугунги кунда илм-маърифат орқали жаҳолатга қарши кураш долзарб вазифага айланди, — деди Давронбек Махсудов. — Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда илм-маърифатни юксалтириш асосида учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада энг аввало, таълим-тарбия тизимида туб ислохотлар қилинмоқда. Чунки, маънавий юксак ва илмий жиҳатдан салоҳиятли авлод жамият таянчи бўлади.

Давра суҳбатида академияда сабоқ олаётган ёш тадқиқотчилар, докторантлар ва талабаларга билим олишда янада ташаббус кўрсатишлари кераклиги қайд этилди. Академия илмий салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича талаб ва тақлифлар тингланди.

Қизгин ва кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Матбуот хизмати.

МУРОЖААТНОМА

Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораёмиз.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ШЕРОБОДЛИК МОҲИР МОРБОЗ

Бобоназар Пардаев ўнга яқин илонни парвариш қилади. Улар орасида заҳарли-лари ҳам бор.

Инсоннинг феъли қизиқ: кимдир зотдор новвос бокса, бошқа биров ҳисори кўйлар ишқибози. Балиқчилик, асалари-чилик, қуёнчилик, паррандачилик билан шуғулланаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади.

Шеробод туманининг "Мажнунтол" маҳалласида истикомат қилувчи Бобоназар Пардаев ана шундай юртдошларимиздан бири. Моҳир морбоз билан илонлар ҳаёти ҳақида суҳбатлашдик.

— Сиз ноёб ҳунар — морбозлиқни танлаган экансиз. Бунинг сабаби нимада?

— Илон ҳайвонот оламининг ўзига хос тури ҳисобланади. Улар катта-кичиклиги, тана ранги ва хатти-ҳаракати билан бири-бирдан фарқ қилади. Асосан тоғ ва дара, ўрмон ҳамда даштларда учрайди. Аслида морбозлик ўзига хос йўналиш. Қадим-қадимдан тўй ва давраларда илон билан турли томошалар кўрсатилган. Парда бобом уста морбоз бўлгани учун аждодлар анъанасини давом эттириш ёшлиқдаги орзуим эди. Шунинг учун 1987 йилда оилавий цирк жамоасини ташкил қилгандик. Мана 35 йилдики, халқимизни хурсанд қилиб келаямиз.

— Морбозлик аввало эҳтиёткорлик ва ҳушёрлиқни талаб қилади. Бу йўналишда яна қандай жиҳатлар муҳим деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда жониворлар билан тил топишиб, уларга меҳр бериш керак. Қолаверса, қишида истеъдод, сабр ва қўнг бўлиши лозим. Тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундангина соҳани пухта ва мукамал эгаллаш мумкин. Акс ҳолда, морбозлик билан шуғулланмаган маъқул.

— Ёввойи жониворларни англаш мушкул. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос феъл-атвор бўлади. Бирни кўлга ўргатиш учун қанча вақт сарфланади?

— Жараён ҳар хил кечиши мумкин. Гоҳида 5-10 дақиқа, баъзан ойлаб вақт йўқотишимизга тўғри келган.

— Уйингизда илон кўп экан. Уларнинг бири катта, бошқаси кичик, яна бири заҳарли.

— Ер юзидagi энг митти илон 20 сантиметрни ташкил қилса, энг баҳайбати 10 метргача борар экан. Мамлакатимизда Ўрта Осиё кобраси, қора илон, чарх илон, қалқонтушқуқ илон, кўлвор каби 14 турдаги судралиб юрувчилар кенг тарқалган. Ҳозирги кунда уларнинг 7 тасини парвариш қилаялман. Энг заҳарлиси ва йириги Ўрта Осиё кобраси. Асосан Боботоғ ва Ҳисор тоғ тизмаларида яшайдиган маҳлуқнинг энг узун 1 метру 75 сантиметрни ташкил қилади. Шунингдек, кўлвор ва қум бўғма илонларимиз ҳам бор. Улар заҳарсиз бўлгани учун унчалик хавфли эмас.

— Илонлар бирор марта қафасдан чиқиб кетганми?

— Бундай воқеалар кўп бўлган. Гоҳида қўшниларнинг уйдан топилса, баъзан кўчадагилар хабар беришади...

— Жониворлар билан саҳнага чиқ-дингиз дейлик...

— Биласизми, илон нозик бўлиши билан бирга, тажовузор мавжудот ҳам. Шунинг учун доим эҳтиёткор бўлган маъқул. Ҳар гал томоша кўрсатишдан олдин уларни даврага тайёрлайман. Тинч-осойишта ва хотиржам бўлишини кутаман. Бир-биримизни англаганимиздан кейин жонивор менга бўйсунди.

— Озиқлантиришда нималарга эътибор бериш керак?

— Илонлар катта-кичиклиги ва турига қараб озиқланади. Масалан, бир метргача келадиганлари каламуш, сичқон, бақа, қуён билан озиқланса, йириклари ҳатто эчки, кичикроқ қўй, кийик боласи ва бошқа жониворларни ҳам тириклай паққос тушириши мумкин. Вақти-вақти билан сув ичади ва сувда яхши сузади.

— Илонлар кўпайиб кетса, нима қиласиз?

— Ҳамма турдаги судралиб юрувчиларни яхши кўраман. Агар ортиқчалик қилса, шогирдларга бераман ёки Шеробод тоғларига қўйиб юборилади.

— Дарвоқе, шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Ҳозирги кунда 60 нафарга яқин шогирдим бор. Уларнинг асосий қисми Сурхондарё вилоятида фаолият олиб борапти. Бундан ташқари, Россия, Тожикистон, Туркменистондан сўраб келадиган



ҳамкасблар бор.

— Хорижий мамлакатларда бўлган-мисиз?

— Албатта. Тожикистон, Туркменистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Ҳиндистон каби 20 га яқин давлатда 500 мартадан ортиқ томоша кўрсатганмиз. 1998 йилда америкалик ижодкорлар томонидан фаолиятимиз ҳусусида махсус кўрсатув ҳам тайёрланган.

— Фарзандларингиз ҳам касби-корингизга қизиқадими?

— Бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. 10 нафар қиз фарзанд ва 7 нафар набирам бор. Илонлардан набираларим кўрқмайди.

— Морбозликдан кўзланган асл мақсад?

— Айримлар буни пул топишнинг йўли, деб билишади. Аслида ундай эмас. Бу бизга отамерос касб. Байрам ва сайиллардаги томошалардан халқимиз хурсанд бўлса, шунинг ўзи менга қувонч-шодлик бахш этади.

— Дунёда илоннинг 2 минг 700 дан ортиқ тури бор экан. Сизни ҳайратга солганлари ҳам бўлганми?

— 2009 йилда мутахассислар Колумбияда узунлиги қарийб 13 метр, оғирлиги бир тонна 113 килоли илоннинг тошга айланган

қолдиқларига дуч келишган. Тўғри, бундай маҳлуқлар 55-60 миллион йил аввал яшаган. Аммо ҳозирги кунда ҳам баҳайбат аж-даҳ ва анақондалар учраб туради. Бундан 27 йил аввал Шўрчи туманидаги адирдан 5.5 метрлик бўғма илонни ушлаганман. Инсон билагидан йўғонроқ келадиган судралиб юрувчининг салобати ва вазоҳати ҳали-ҳали қўз олдимдан кетмайди.

— Уни нима қилгансиз?

— Йирик ва улкан жонивор ўша кунги Термиз ҳайвонот боғига топширилган. Кейинчалик у билан кўп марта саҳнага чиққанмиз.

— Бу каби совуқ маҳлуқларни кўрганда одам беихтиёр сесканиб кетади.

— Илон гарчан кишида хавотир уйғотса-да, аксарияти беозор ва таъсирчан ҳисобланади. Унга тегмасангиз, ҳеч қачон зиён етказмайди. Масалан, кобра энг заҳарли ҳайвон бўлса-да, энг ақлли жонивор ҳам. У биринчи бўлиб ҳужумга ўтмайди. Аксинча, тик туриши, вазоҳати ва вишиллаши билан оғохлантиради. Камдан-кам ҳолларда инсонга озор берганини эшит-манман. Аммо, қора ва кўлвор илондан эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатини олдиндан билиб бўлмайди.

— Тўсатдан ташланиши мумкин.

— Сизни илон қаққанми?

— ...Адамасам, 20 марталар қаққан-дир-ов... Баъзан қалтис ҳаракат қилган бўлсам, гоҳида билмай озор етказилган. Аммо ҳар гал тузалиб кетганман.

— Қарийб икки метр келадиган мана бу кобрани ушлаш мумкинми?

— Асло ундай қилманг. Чунки у кўрққанингизни сезиб турибди. Чақиши тайин.

— Заҳарнинг кучи илоннинг қаердан қаққанига ҳам боғлиқми?

— Албатта, қақув қўл ёки оёқда бўлса, унчалик хавфли эмас. Аммо бўйин соҳаси ёки юракка яқин жойдан қақса, иш анъали яқун топиши мумкин.

— Кунлар исиси билан судралиб юрувчилар кўпая бошлади. Улар жароҳат етказса, биринчи навбатда нималарга эътибор бериш керак?

— Илон заҳарини дарҳол қўл билан сиқиб чиқариш ёки оғиз билан сўриб ташлаш лозим. Шундан кейин ярага сирка ёки содали сувга ҳўлланган пахта қўйиш керак. Энг тўғриси, зудлик билан шифокорга мурожаат қилган маъқул.

— Илон инсонни аврайди, сеҳр-жоду қилади, деб эшитганман. Шу тўғрими?

— Бу шунчаки уйдирма. Миш-мишларга ишонмаслик керак.

— Аждаҳо ва анақондалар олтин ёки бойлик бор жойларни кўриқлайди, деган гап-сузларга қандай қарайсиз?

— Йўғ-е, ундай эмас. Агар бу ҳақиқат бўлганда, мен алпақачон бойиб кетган бўлардим.

— Илон ўргатувчи ва ўйнатувчиликка ҳавас қўйган бошловчиларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Морбозлик аслида жасур инсонлар касб-кори. Унда мардлик, жўмардлик, ҳалоллик, жасурилик, қаққонлик, эччиллик, чапдастлик мужассам. Инсонни доим ҳушёр ва сергакликка чорлайди. Энг муҳими, унда борлиқни — флора ва фаунага асрашдек муҳим гап мужассам. Она табияти келажак авлодга борлигича етказиш нафақат морбозларнинг, балки ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлиши керак.

Суҳбатдош
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА МИКРОҚАРЗЛАР БЕРИЛАДИ

Президентимизнинг "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, хорижда ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон фуқароларини касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинadиган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш белгиланди.

Қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиалларига умумий раҳбарлик қилади. Ҳудудий филиал раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёрдамчиси ҳисобланади. Ҳудудий филиаллар хорижий иш берувчилар билан келишувлар тузади ҳамда хорижага фуқароларни ишга юборади.

Қарорга мувофиқ:
— Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида "Япон тили ва касбий малака" тест маркази;

— Фарғона шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида пайвандчилар мактаби;

— Гулистон шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида ишчилар тайёрлаш ўқув маркази;
— Наманган вилоятидаги профессионал таълим муассасаларида давлат хусусий шериклик асосида "IT School" ўқув марказлари, чет тилларга ўқитиш ва хизмат соҳаси бўйича касбларга тайёрлаш ўқув марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан:

— "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими"га киритилган кам таъминланган оила аъзоси ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик ишлаш учун хорижага чиқаётганда унга микроқарз бериш тартиби жорий қилинади.

— микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача миқдорда 1 йил муддатга берилади;

— микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.

— Хорижда ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон фуқароларини касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи, халқаро тан олинadиган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш маъзур тизимнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ғофиржон СОЛОМОВ,
Пахтабод туман адлия бўлими
бошлиғи.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?



ТУГИЛГАНЛИК ГУВОҲНО- МАСИНИ ОЛИШ БЕПУЛ

Ҳар бир оила учун фарзанднинг дунёга келиши катта бахт, албатта. Унинг ҳаётида қандай ўрин топиш асосан ота-онага боғлиқ. Масалан, боланинг илк ҳужжатларини тайёрлаш қонун доирасида бўлиши керак. Ёш ота бу ҳусусида етарлича маълумотга эга бўлгани маъқул.

Тўғруқ жараёнида иштирок этган доянинг имзоси ва тўғруқона муҳри қўйилган маълумотнома боланинг туғилган вақти ва санаси, жинси, бўйи, вазни, туғилиш жараёни учун асосан ота-онага боғлиқ. Масалан, боланинг илк ҳужжатларини тайёрлаш қонун доирасида бўлиши керак. Ёш ота бу ҳусусида етарлича маълумотга эга бўлгани маъқул.

Боланинг туғилган вақти ва санаси, жинси, бўйи, вазни, туғилиш жараёни учун асосан ота-онага боғлиқ. Масалан, боланинг илк ҳужжатларини тайёрлаш қонун доирасида бўлиши керак. Ёш ота бу ҳусусида етарлича маълумотга эга бўлгани маъқул.

Боланинг туғилган вақти ва санаси, жинси, бўйи, вазни, туғилиш жараёни учун асосан ота-онага боғлиқ. Масалан, боланинг илк ҳужжатларини тайёрлаш қонун доирасида бўлиши керак. Ёш ота бу ҳусусида етарлича маълумотга эга бўлгани маъқул.

фуқаролик ҳолати ҳақидаги далолатнома ёзувлари дафтарига бола туғилиши ҳақидаги маълумот қайд этилади. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЭ органида амалга оширилади. Ота-онанинг истагида кўра, ФХДЭ органи боланинг туғилганлигини қайд этишни тантанали вазиятда ўтказиши ҳам мумкин.

Туғилганлик ҳақидаги ариза билан бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ФХДЭ бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Агар бола республика ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса, уни рўйхатга қўйиш Ўзбекистоннинг ўша мамлакатдаги консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади. Бола туғилганлиги ҳақидаги ариза ота-онанинг ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин. Туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-онанинг паспорти ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталиқни белгилаш ҳақидаги ариза, ёхуд никоҳда

бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилади. Боланинг туғилганлигини қайд этишда унга фамилия ота-онанинг келишувига кўра, ота ёки онанинг фамилияси, боболарининг бирининг ёхуд отанинг исми бўйича берилади.

Шу ўринда болага исм танлашда ўта масъулият ва эътибор билан ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биринчидан, болага исм танлаш ишига жиддий ўйлаб, илоҳий борица анъаналарга боғлаб ёндашиш керак. Иккинчидан, кишининг исм-шарифи ва ота-онанинг расмий ҳужжатларда тўғри ёзириш лозим. Учунчидан, исми-шарифини аниқ ва тўлиқ айтиш, тўғри талаффуз қилиш, ўринсиз бузмаслик керак. Тўртинчидан, қақалоқча исм танлаганда мазунан гўзал, шаклан чиройли бўлиши лозим. Исмларда одатда, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамда эзгу орзулар мужассам бўлади. Шунга кўра, болага исм қўйишда ўзаро маслаҳатлашиб, маъноли, чиройли исм қўйиш керак.

Болани оилавий поликлиникага, ота ёки онанинг доимий яшаш жойи бўйича ҳисобга қўйиш, давлат мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш бўйича навбатга қўйиш, шунингдек, бола туғилганлиги муносабати билан бериладиган бир маротабалик пул маблағи олиш каби хизматлар ФХДЭ органлари томонидан туғилишни қайд этиш билан бир қаторда фуқароларга қўлайлик яратиб, ортиқча вақт, маблағ сарфлашни ва сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида "ФХДЭ электрон архиви" ахборот тизими орқали йўлга қўйилди.

Шунингдек, боланинг туғилишини ўз вақтида расмийлаштириш зарур. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини ўз вақтида расмийлаштирмаслик оқибатида боланинг ҳуқуқ ва эркинлиги поймол бўлиши мумкин. Масалан, унга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги мумкин, мактабгача таълим ташкилотига ва умумий ўрта таълим мактабларига жалб этилмасдан қолган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Эслатиб ўтамиз, туғилишни қайд этиш билан бир вақтда ФХДЭ органларида қуйидаги хизматлар кўрсатилади: болани турар жойи бўйича рўйхатга қўйиш, ҳудудий тиббиёт муассасасига рўйхатга олиш, мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш, бир марталик нафақа пулини бериш, яъни "суночки пули" боланинг туғилганлиги гувоҳномаси олинган куннинг ўзидаёқ амалга оширилади. Буларнинг барчаси ёш ота-оналар учун қўлайлик яратиб, ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олади.

Дилфуза ХАЛМУҲАМЕДОВА,
Яшнобод туман ФХДЭ бўлими инспектори.

МУАММОНИ КИМ ЕЧАДИ?

Тўртқул туманидаги «Калтаминор» овул фуқаролар йиғини «Бозиргон» аҳоли пункти аҳолиси жорий йил январь ойидан буён сувсизликдан жабр чекмоқда. Сабаби, уларнинг томорқа ерларига оқар сув келиб турган 80 метр масофадаги, неча йиллардан буён аҳоли учун хизмат кўрсатиб келаётган ариқ «Низаматдин Аббор» фермер хўжалиги томонидан кўмилиб, унинг ерига қўшиб юборилган.

Муаммони мутассадди ташкилотларининг биронтаси ҳам ижобий ҳал қилиб бера олмади. Илгари «Калтаминор» канали четидан насос орқали сув олиб томорқа ерларини сугорётган аҳоли бу муаммога ечим топ олмай, сарсон-саргардон бўлмоқда.

Сувсизликдан азият чекаётган аҳоли мурожаати бўйича муаммони ўрганишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, ариқ 1990 йилда пахта пунктига сув ўтказиш учун қазилган экан.

— Бу ариқ пахта пунктида ёнгинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қазилганини яхши эслаيمان, — дейди ўша пайтда мироб бўлиб ишлаган Жолдасбай Сапарқичев. — Ҳар доим сув келиб турарди, аҳоли ҳам томорқаларини сугоришда фойдаланарди.

— Ҳақиқатдан ҳам бу ариқ 1990 йилда пахта пункти учун ажратилган. Пунктда ҳар йили 5000 тоннадан зиёд пахта сақланарди, — дейди мурожаатчилардан бири, II гуруҳ ногирони Қадамбой Мамбетов. — Ёнгинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ариқда кишин-ёзин сув бўларди. Яқин кунларгача шу ариқдан сув ичиб келдик. «Низаматдин Аббор» фермер хўжалиги уни ўзига ер қилиб қўшиб олгач, сувсиз қолдик. Энди бизнинг ҳолимиз нима кечади? «Калтаминор» каналидан сув оладиган насос қурдириб қўйганимиз. Электр энергияси пулини вақтида тўлаб турибми? «Низаматдин Аббор» фермер хўжалиги устидан шикоят қилиб бормаган жойимиз қолмади. Масала ижобий ҳал бўлмаяпти...

Биз воқеага ойдинлик киритиш учун «Низаматдин Аббор» фермер хўжалиги раҳбари Расул Мамбетовни излаб бориб, уни иш жойидан тополмадик. Кейин телефон рақамини топиб, у билан суҳбатлашдик. Мазкур воқеа юзасидан юзма-юз мулоқот қилиш учун тақдир қилганимизда, у иш билан банд эканини баҳона қилиб келмади. Шундан кейин бу масала юзасидан муаммони ҳал қилишда ёрдам сўраб Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгес депутатлари Завра Абдуллаева, Саятхан Гичгелдиеваларга мурожаат қилдик. Депутатларимиз воқеа жойида муаммони ўрганишди ва шикоятчилар талабини ҳақ деб топишди. Лекин Расул Мамбетов Тошкент шаҳрида иш билан юрганини айтиб, депутатлар билан ҳам учрашишни рад этди.

Тўртқул туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Валижон Ниязимбетовга шу масала юзасидан мурожаат қилганимда менга бир қўл ваъда бериб, кузатиб қўйди. Орадан бир муддат вақт ўтиб, унга яна ушбу масала бўйича телефон орқали мурожаат қилдим. Яна бир қўл ваъдадан бошқа нарса бўлмади...

Бундай ўйлаб қаралса, ечилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Лекин унга хоҳиш, сидиқидилдан ёндашиш керак. Бор-йўғи овул аҳли учун йўл чеккасидан келган ариқнинг фермерга ҳалақат берадиган жойи йўқ. Депутат, журналист ва бошқа мутассадилар аралашувига қарамай, масала ҳал этилмай келмоқда.

Халқимиз азал-азалдан бир-бирига меҳр-оқибатли бўлган. Бир бурда нонини ҳам баҳам қўрган.

Инсонийлик нуқтаи назардан қаралса, фермер хўжалиғи раҳбари Расул Мамбетов бу масалада маҳалла аҳли билан келса, ўзаро бир ечимга келса бўлади. Чунки бизга берилган маълумотларга қараганда, Расул Мамбетов тажрибали, ишининг қўзини билладиган фермер экан. Биз эса барибир бу масalani газета орқали ёритишни маъқул, деб топдик. Бу борада мутассадди ташкилот вакиллари ҳам ўз фирм-мулоҳазаларини билдиради, деган умиддамиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
журналист.

МУРОЖААТНОМА



Яна бир муҳим масала – нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

ТАРИХГА МУҲРЛАНГАН “ТАБАССУМ”

Ўтган асрнинг 60-йиллари, аниқроғи, 1969 йили университетни битиргач, республика радиосининг “Ёшлик” радиостанциясида иш бошлагандим. Ўша тахририятни ташкил этган захматкаш журналист, ёзувчи ҳамқишлоғим Рустам Раҳмон радиога телефон қилиб, мени ишга жойлаб қўйган эди.

Ўша йилларда бошқа кўнгилочар даргоҳлар унчалик ривожланмагани боисми, радионинг халқимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги роли анча баланд эди. Одамлар радиони бажонидил эшитишар эди. Ўша мен хизмат қилган “Ёшлик” ниям мухлислари кўп эди.

Пойтахтда ишни бошлашга бошлаб қўйдиму яшаш жойимнинг тайини йўқ, гўё бедананинг жойи йўқ, қайга борса битбилдик мақомида эдим. Шунга кўниккан, шундай ҳаёт тарзини табиий қисмат сифатида қабул қилган эдик. Иккинчи курсгача бирга ўқиган курсдошим Исмоил ака (у киши армия хизматидан кейин ўқишга кирган, ёши мендан тўрт ёш “улгуроқ эди”) билан жуда иноқ эдик. Иккинчи курсга ўтганимизда Исмоил ака ўқишини сиртки бўлимга ўтказиб, крим-татар тилида чиқадиган “Ленин байроғи” газетасига ишга ўтиб кетди. Унинг миллати татар эканини шунда билганман. Исмоил ака Тошкентнинг эски масканларидан бўлган Ўқчи кўчасида, университетни яқинда битирган Тўлан Қўзиев деган ижодкор билан бирга турар эди. Бир хонали каттагина ижарахонада яна бир киши туриши мумкин экан, шу ерга мен кўчиб бордим. Тўлан ака билан ўшанда яқиндан танишдим. Уччала ижарадор ҳам андижонлик эдик. Одамда яхши маънода юртдошлик туйғуси ҳам, бўлиши керак, шу нарса бизни ўзаро яқин, хайрихоҳ қилиб турар эди. Машҳур адибимиз



Ўткир Ҳошимовнинг бўлажак қайниси – шу уйнинг хўжайини Турғунбой деган йигит эди. У ниҳоятда содда, ювош, бегубор йигит эди. Гоҳо Ўлмас опа укаси Турғунбойни кўришга келиб турар, у ҳали Ўткир Ҳошимов билан турмуш қурмаган эди. Мен Ўлмас опа билан гоҳо адабиёт ҳақида, Ўткир Ҳошимовнинг ижоди ҳақида фикрлашиб турар эдим.

Хуллас, фалакнинг гардиши ила Тўлан Қўзиев билан бирга ижара уйда яшай бошладик. Тўлан ака табиатан қувноқ, хушчақчақ, дилкаш одам эди. Табиати қулгига

мойил эди. У ҳажвиётнинг, қулгининг одами эди. Ҳазил шеърлар ёзишнинг анча ҳадисини олганди. Талабалик йилларимиздаёқ унинг: “Ямин Қурбон, Мухтор Худойқул, ҳайвонот богидан сўзлайди нуқул” деган ҳазил шеърини завқлиб ёддан ўқиб юрардик. Айрим ҳазил шеърларига “Тўлан табассум” деган тахаллус қўйиши бежиз эмаслиги кейинроқ маълум бўлди.

Тўлан ака радиода ишлаб юрганида “Қувноқ тўлкинда” деган ўзига хос, ажойиб бир эшиттириш тайёрлар эди. Унинг қўлда

қўтариб юрадиган ихчамгина радиоси бўларди. Оқшом чўкканда у ҳар кун ишга радиосида ўзи тайёрлаган эшиттиришни тинглаб ётарди. Биз ҳам жимгина қулоқ солардик.

Тўлан ака ўша “Қувноқ тўлкинда” эшиттириши асосида кейинчалик халқ ўртасида анча маълум ва машҳур бўлиб кетган “Табассум” радиожурналини юзага чиқарди. Бу унинг ижодкор сифатидаги энг катта тарихий хизмати эди. Минглаб, миллионлаб мухлислар ҳар якшанба кун ишга тараладиган “Табассум”ни тинглашар эди. Машҳур артистлар – Наби Раҳимов ва Амин Турдиевларнинг залворли, ширали овози кириб бормаган хонадон йўқ эди десам, муболага бўлмас.

Радио тарихи ҳақида битилган айрим хотираларда “Табассум”ни ким яратгани негадир очик-ойдин айтилмайди. Тўлан Қўзиевнинг номи ҳам тилга олинмайди. Ваҳоланки, таниқли ҳажвчи ижодкор Меҳмонқул Исломуқов каби Тўлан Қўзиев билан елкадош бўлиб ишлаган гувоҳлар ҳали ҳаёт. Тўлан аканинг яна бир тарихий хизмати ҳақида эсламоқчиман. Ҳар йили вилоятларда ўтказиладиган аскиячи ва қизиқчиларнинг танлов-мусобақасини уюштиришда Тўлан ака фаол қатнашар, истеъдодларнинг иқтидорини баҳолашда ҳолис фикрини айтар эди.

Тўлан Қўзиевнинг ижодий режалари кўп эди. У ўзи ихлос қўйган инсонларни қадрлар, уларга меҳру ихлоси баланд эди. Шулардан бири – республика матбуотида, хусусан радиода узоқ йиллар самарали хизмат қилган ажойиб инсон Рустам Раҳмон хотирасига бағишлаб алоҳида китоб чиқармоқчи бўлиб юрарди, бу борада анча-мунча ишлар ҳам

қилиб қўйган эди. Ҳар гал қўришганимизда ўз режаларини ҳаяжонлиб гапириб берар эди. Эндиликда миллатдошлари қатори Қримда яшаётган Исмоил ака ҳар гал телефон қилганида: “Тўланбой яхши юрибдимиз?” деб сўраб қўяр эди. У ўтган йили телефонда яна ўша саволни берганда ичимдан зил кетиб, Тўлан аканинг бандаликни бажо келтирганини ноилож айтишга тўғри келди. Шунда Исмоил ака ўзини тўтолмай, баралла йиғлаб юборди. Яхши инсонлар дунёдан ўтганида унга чин юракдан ачиниби йиғлайдиган биронта одамнинг бўлиши ҳам катта гап экан, деган фикр ҳаёлимдан ўтди.

Тўлан Қўзиевнинг сермахсус ижодкор дейиш қийин. Шу боис, ундан катта адабий мерос қолди, деёлмаймиз. У китоб чиқаришга негадир қизиқмас эди. Шундай бўлсада, ижодкорнинг архивини тартибга солиш, ҳали мухлислар қўлига етиб бормаган қўлёзмаларини нашр этишга бурчлимиз. Тўлан ака пойтахтнинг Қорақамиш даҳасидаги ўзи яшаган маҳалласига “Табассум” деган номни бериб кетди. Сир эмас, одамлар байрамларда, қувончли кунларда бир-бирларига яхши тилаклар билдирганларида “Юзингиздан табассум аримасин”, дейишади. Тўлан ака бир умр ана ўша пурмаъно сўзга – тушунчага содиқ қолди.

Президентимиз яқинда ўша “Табассум” маҳалласига борганида маҳалланинг номи билан қизикди ва “Тўлан табассум” ҳақидаги ҳангомаларни тинглади. Бу борада мутасаддиларга керакли қўрсатмалар берди.

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими.

ТАДБИР

Меҳнат бозори ва ёшлар

Миллий матбуот марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан «Ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш борасида белгиланган устувор вазифалар» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирлик мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда вазирлиkning асосий вазифалари илгаригидан тубдан фарқ қилади. Янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмаси устида ишлаш, аҳоли бандлиги бўйича минтақавий ва тармоқ дастурлари реализациясини

мувофиқлаштириш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга ўз вақтида нафақа ва моддий ёрдам тўлаб борилишини мониторинг қилиш ва бошқа вазифалар бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг фаолиятини ташкил этади.

Матбуот анжуманида ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли амалий ишлар, шунингдек, банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш технологиялари ва ўқув дастури ҳақида маълумот берилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги қарориди республикаимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган мономарказ ҳамда касбга ўқитиш марказлари фаолияти аниқ низоми асосида белгилаб қўйилган, — дейди мономарказ ахборот статистика бўлими бошлиғи Шохрух Нуралиев. — Жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида жойлашган «Ишга марҳамат» мономаркази Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мономарказларнинг бош муассасаси этиб белгиланди. Бу

ерда ёшлар замон талабига мос 22 турдаги касбга ўқитиб келинмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш ва сервис, техник, хорижий тиллар, тадбиркорлик асослари, IT технологиялар ва бошқа курслар фаолиятини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Вилоятлардаги мономарказларда ўша жойнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларга ўқитиш амалга ошириляпти. Хорижий давлатлар тажрибаси асосида бу соҳани янада ривожлантирялми.

Хозир вазирлик тизимида 15 та мономарказ, 30 та касб-хунарга ўқитиш маркази, 136 та маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари мавжуд бўлиб, улар ўртача йил давомида 45 мингдан ортиқ ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини 40 турдаги касб-хунарга ўқитади. Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида 43,9 минг нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди. Йил якунига қадар яна 100 минг нафарга яқин ишсиз фуқаролар ўқитилади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Эндиликда корхона ва компаниялар ёшларни ишга қабул қилса, улар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилади. Биринчи марта ишга кирган касб-хунар марказлари битирувчилари 6 ойгача даромад солиғидан озод этилади. Ижарага бино олиб бизнес бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қўллаб берилади.

Бугунги кунда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш тақсиди республикада янги банд меҳнат ярмаркалар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Нуробод туманидаги 1-касб-хунарга ўқитиш мактабида бўлиб ўтди. Унда туман ҳудудида фаолият олиб бораётган 15 та ташкилот иштирок этди ва 252 та бўш иш ўринлари тақдим этилди. Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 27 нафар ёшга ишга жойлашиш, касб-хунарга ўқитиш бўйича йўлланма тақдим этилди. 25 нафар фуқарога қайта касбга тайёрлаш, меҳнат миграциясини амалга ошириш бўйича маслаҳатлар берилди.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электроманит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Фаргона шаҳри, Б.Маргилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAOYEV
Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 441. 3028 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'z'A yakuni —
Topshirilgan vaqti — 18:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6